

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ

“Электротехника ва ишлаб чикаришда  
аҳборот-коммуникация технологиялари”  
факультети


“Менежмент” кафедраси


Ҳимояга руҳсат қилинади


Кафедра мудири:  доц.Рўзиева Д.И.  
«20» 06 2017 й.

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Иқтисодий таҳлил” фанини ўқитишининг инновацион  
ўқув услубиётини яратиш  
(Модуль №2: Корхоналарнинг ишлаб чиқариш  
фаолияти кўрсаткичлари таҳлили

Бажарди:  16-13 ММНДТ гурӯҳ талабаси  
Баҳодирова Р.Ж.

Маслаҳатчи:  доц.Улашев Х.А.

Раҳбар:  кат.ўқит.Мусаева Ж.К.

Бухоро-2017 й

**Мавзу: “Иқтисодий таҳлил” фанини ўқитишининг инновацион ўқув  
услубиётини яратиш (Модуль. №2. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш  
фаолияти кўрсаткичлари таҳлили)**

**МУНДАРИЖА:**

*бет*

**Кириш**

**I Боб. Асосий қисм**

- 1.1. “Иқтисодий таҳлил” фанининг мақсад ва вазифалари
- 1.2. “Иқтисодий таҳлил” фани таркибидаги “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили” модулининг мазмуни
- 1.3. “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларининг ўқув мақсадлари
- 1.4. Мавзуни ўқитишида дастлабки тайёргарлик ва шарт - шароитлар таҳлили
- 1.5. “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларни ўқитиши жараёнида ўқув-дидактик материаллардан фойдаланиш
- 1.6. “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотларнинг таълим технологияси ва технологик харитаси
- 1.7. Мавзуларни ўқитишида интерактив усулларнинг мазмуни, аҳамияти ва афзалликлари
- 1.8. Иқтисодий таҳлили фани 2- модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” таркибидаги мавзуларни ўқитишида педагогик усулни қўллаш
- 1.9. Мавзу бўйича назарий билим ва амалий қўнималарни баҳолаш

**II Боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги**

- 2.1. Корхона ва ташкилотларда иш жараёнида меҳнат муҳофазасини таъминлаш
- 2.2. Корхона ва ташкилотларда санитария назорати ва ёнғин хавфининголдини олиш чоралари

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## **Кириш**

Ҳозирги кунда республикамиз иктиносидиётини ижтимоий-иктиносодий ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси йуналишлари ишлаб чиқилди. Ушбу йуналишлардан бири – иктиносодиёт тармоқларини модернизация қилиш орқали республикамизда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишdir. Натижада демократик ислоҳотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чукурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равshan мэрраларига эга бўлиб, ҳаётимизда туб иктиносодий - ижтимоий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ижтимоий йўналтирилган иктиносодиётни барпо этишга қаратилган бугунги кунимизда фан - техника тараққиётини юксалтириш, ишлаб чиқаришни янги техника ва технология янгиликлари билан қуроллантириб бориш, бошқарув тизимларини самарадорлигини оширишга қаратилган янгина хўжалик юритишига ўта бошлаш ҳар бир кишинининг вазифасига айланиб бормокда.

Иктиносодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора - тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иктиносодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффакият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иктиносодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этиши хусусида Республикамиз Президент Ш.М.Мирзиёев кўп маротаба таъкидлаб ўтди.<sup>1</sup>

Маълумки, иктиносодиётни либераллаштириш фақат ўз соҳибкорига фойда ёки бирор наф берадиган ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиради. Ҳар бир тадбиркор бозор иктиносодиёти шароитида ўз фаолияти устидан назорат олиб бориши, фаолияти натижаларини кузатиб боришига тўғри келади. Бу

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктиносодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иктиносодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи 2017йил

вазифаларни бажариш учун корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини чуқур ва мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш лозим.

Иқтисодий таҳлил корхоналарни бошқариш тизимида оралиқ босқични эгаллайди. Бошқариш жараёнида асосий уч босқични кўрсатиш мумкин.

1. Ахборотларни тўплаш ва тайёрлаш;

2. Объектнинг ҳолатини иқтисодий таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида таклифлар киритиш;

3. Бошқарув қарорларини қабул қилиш. Бинобарин, қабул қилинган қарорларнинг самараси ва сифати таҳлилнинг ўз вақтида ҳамда тезкорлик билан ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу ерда асосий вазифа ана шу уч босқичнинг бир-бири билан узвий равишда боғлаш ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлил муҳим иқтисодий инструментлардан фойдаланишда алоҳида аҳамиятга эга, яъни: Режамолия ва кредит, баҳомоддий -техник таъминот кабилар. Саноат корхонаси ва улар бўлимларининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1) тузилган бизнес режанинг қанчалик реаллиги ва илмий жиҳатдан асосланганлигига баҳо бериш;

2) иқтисодиётни ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар асосини аниқлаш;

3) режанинг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратган ҳолда аниқлаш кабилардир.

Фирмаларнинг иқтисодий нормативларини оширишда иқтисодий таҳлил илмий база бўлиб ҳисобланади. Таҳлил қилишнинг яна бир муҳим томонларидан бири хўжалик фаолияти комплекс равишида ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборат. Иқтисодий таҳлил 2 хил усулда яни: микроиктисодий ва макроиктисодий йўналишда олиб каралади.

Иқтисодий таҳлил орқали тижоратда илмий асосланган бошқарув қарорлари қабул қилинади. Унинг ёрдамида ўсиш суръатлари ўрганилади, фаолият натижалари ўзгаришига омиллар таъсири ҳар томонлама чуқур ва

тизимли ҳисоб – китоб ишлари амалга оширилади, бизнес – режа ва бошқарув қарорларига аниқликлар киритилади, режанинг бажарилиши назорат остига олиниб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари аниқланади, корхона фаолиятининг натижалари баҳоланади, иқтисодий ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилади.<sup>2</sup>

Ушбу битирув малакавий ишини бажаришдан асосий мақсад “Иқтисодий таҳлил” фани таркибидаги “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили” модулини ишлаб чиқишидир. Ушбу мақсадга эришишда қуйиладиган асосий вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг 1- Президенти И.А.Каримовнинг «Кадрлар тайёrlаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2017 йил 20 апрелда ишлаб чиқилган ПҚ-2909-сонли олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг йўналишларини ҳисобга олган ҳолда битирув малакавий ишининг асосий вазифалари “Иқтисодий таҳлил” фанининг 2- модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” таркибидаги мавзуларнинг мазмунини, ўқув мақсадларини, мавзуларни ўқитишда дастлабки тайёргарлик ва шарт-шароитлар таҳлилини, мавзуни ўқитиш жараёнида ўқув-дидактик материаллардан фойдаланиш, мавзулар бўйича бўйича назарий ва амалий машғулотларнинг таълим технологияси ва технологик харитасини, мавзуларни ўқитишда интерактив усулларини, мавзу бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолашни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шунингдек корхоналарда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалаларини ёритиш белгиланади.

---

<sup>2</sup>R.A.Hill. Strategic Financial Management.2008 .ISBN 978-87-7681-425-0.Page 16

## **1.1.“Иқтисодий таҳлил” фанининг мақсад ва вазифалари**

Корхона ва ташкилотларнинг бошқариш, уларнинг молиявий фаолиятини аниқлашда муҳим йўналишларидан бири бу иқтисодий таҳлил қилиш бўлиб, у стратегик тактикани ишлаб чиқишида, ривожлантиришида, юқори даража бошқаришида, хўжалик фаолиятини назорат қилишида муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий таҳлилнинг предмети, халқ хўжалигининг корхона ва бирлашмалар фаолияти бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси бозордаги маҳсулотга бўлган талабни, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишини ҳисобга олиб тузилган бизнес режани бажаришdir.

**Таҳлилнинг вазифаси** эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, харажатларни камайтириш, давлат ва бошқа корхона, ташкилотлар билан тузилган шартнома, мажбуриятларнинг бажарилишини аниқлаш. Таҳлилнинг вазифаси фақат таҳлил қилишдан иборат бўлмай, келгусида камчиликларга йўл қўймаслиқда кўрсатмалар беради, қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади.<sup>3</sup>

**Иқтисодий таҳлилнинг мақсад ва вазифаси** аввало корхонанинг ички хўжалик муаммоларини ечишга, яъни фаолият натижавийлиги ҳамда унинг иқтисодий потенциалини ташкил этувчи ресурслар, капиталдан самарали фойдаланиш, даромади ва акционерларнинг акциядан оладиган даромадларини оширишга қаратилган. Иқтисодий таҳлилининг асосий мақсади ресурслар, баланс активи, компаниянинг рентабеллик билан ишлаши ва корхона молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлашдан иборат.<sup>4</sup>

**Иқтисодий таҳлил фанини ўқитишидан мақсад-** талабаларда халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятига баҳо беришда, ресурслардан тўғри фойдаланишда, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни ифодалашда хўжалик фаолияти таҳлилини ўрганишбўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакани шакллантиришdir.

<sup>3</sup>Ахмаджонов Х.И., Раҳимов М.Ю. Молиявий таҳлил. –Т.: “IQTISOD-Moliya”, 2012.

<sup>4</sup>Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: “Шарқ”, 2011.

**1.2. “Иқтисодий таҳлил” фани таркибидаги “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили”  
модулининг мазмуни**

Ушбу модул 4 та мавзу асосида ўрганилади. Яъни улар қуйидагилар :

1-мавзу.Махсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари.

2- мавзу.Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.

3- мавзу.Асосий фондларнинг таркиби, холати ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.

4- мавзу.Корхоналарни моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.

**1.2.1-мавзу. Махсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил  
қилиш усуллари**

**Режа:**

*1.2.1.1.Махсулот ишлаб чиқариши режаси бажарилишининг таҳлили*

*1.2.1.2. Махсулот ассортименти ва структурасининг таҳлили*

*1.2.1.3.Махсулот сифати ва ишлаб чиқариши мароми бўйича режанинг бажарилиши таҳлили.*

*1.2.1.4.Махсулот сотииш бўйича режса бажарилишининг таҳлили*

**1.2.1.1.Махсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилишининг  
таҳлили**

Мамлакатимизда оқилона ва самарали иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга изчил равишда татбиқ этилиши, барқарор ривожланишнинг асосий манбалари ва омилларининг тўғри танланиши ҳамда уларга устувор аҳамият берилиши кейинги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларининг таъминланишига имконият яратмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарishнинг ўсиши миллий даромад ҳажмини оширади, ишлаб чиқариш ўсиш

суръатларининг юксалиши учун қўшимча манбаларни яратади ва жамият фуқароларининг моддий фаровонлик даражасини янада оширади.<sup>5</sup>


Жорий йилда мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини: давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган устувор йўналишлар<sup>6</sup> белгилаб берилди.

Ўз навбатида корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда таҳлил қилиш муҳим саналиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича белгиланган режа торшириқларнинг тифизлигини текшириш;
- корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва ўзгаришининг ҳажми, таркиби, номенулатураси, ассотименти, сифати бўйича ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериш;
- ўтган йилга нисбатан ўзгаришларни ва унинг сабабларини аниқлаш; - тузилагн шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича режанинг бажарилишига баҳо бериш;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни амалга ошириш бўйича резервларни аниқлаш ва унинг таркиби ҳамда сифатини яхшилаш кабилар.

<sup>5</sup>Жўраев Н., Абдувохидов Ф., Сотиволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик (лотин алифбосида). –Т.: 2012 й. 480 б

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони



*1-чизма. Ишлаб чиқариши ва маҳсулот сотии таҳлилиниң натижалари ва уни комплекс баҳолаши тизими.*

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини иқтисодий таҳлили икки йўналишда олиб берилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини баҳолаш;
- бир неча йиллар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг таҳлили.

Ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини режа маълумотлари билан таққослаш орқали режанинг бажарилиши, режадан фарқланиши мутлақ суммада, ўтган йил билан таққослаш орқали эса маҳсулот ҳажмини ўсиш суръати аниқланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг қуидаги кўрсаткичлари аниқланмоғи лозим:

– ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ўтган йилдагиси билан таққослаш орқали ўзгариш тезлигининг ўсиши мутлақ суммада қуидагича аниқланади.

$$\Delta N = N_1^T - N_0^T \quad (\text{бунда } \langle T \rangle - \text{товар маҳсулоти})$$

– ўрганилаётган давр бўйича маҳсулотнинг умумий ўсиш суръати:

$$\Delta N^T = \sum_{i=1}^n = \Delta N_i^T;$$

Бунда:  $n$  – маҳсулот ҳажми динамикасининг даврлари (йиллар)  
– маҳсулотнинг умумий ўсиш кўрсаткичини ўрганилаётган даврлар сонига бўлиш орқали мутлақ ўртача йиллик ўсиш аниқланади.

$$\Delta N_{y\ddot{u}} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \Delta N_i^T ;$$

– маҳсулот ҳажмининг ўсиши ( $K_N$ ) (индекс динамикаси) ва ўсиш суръати ( $\Delta K_N$ ) (занжирли индекс)лари ўрганилаётган даврлардаги ишлаб чиқариш ҳажмининг интенсивлигини қуидагича аниқлаш мумкин.

$$K_N = \frac{N_1}{N_0}; \quad K_N = \frac{N_1}{N_0} - 1$$

бунда  $N_1$ ,  $N_0$ -хисобот ва базис даврларидағи ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Сотиш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши (ўсиш суръати) қуидагича аниқланади:

$$K_N = \sqrt[n]{K_1 * K_2 * K_3 \dots K_n},$$

бунда  $K_1, K_2, K \dots K_n$  – ўсиш суръати;  $n$  – ўрганилаётган давр, йиллар сони.

### **Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши**

#### **Жадвал №1**

<b>Маҳсулот тури</b>	<b>И/Ч ҳажми, млн сўм.</b>		<b>Режага нисбатан мутлақ фарқ, млн сўм.</b>	<b>Режанинг бажарилиши, %</b>
	<b>режа</b>	<b>ҳақиқатда</b>		
A	600	624	+ 24	104
B	400	360	-40	90
V	500	600	+ 100	120
<b>ЖАМИ</b>	<b>1600</b>	<b>1720</b>	<b>+ 120</b>	<b>107,5</b>

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини таҳлили йифма маълумотлар асосида амалга оширилади. Базисли ўсиш суръати таҳлил этилаётган даврнинг биринчи йилига нисбатан, занжирли ўсиш суръати эса олдинги йилларга нисбатан кетма-кетликда амалга оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳисботларда амалдаги баҳода ифодаланади. Таҳлил

етиш учун ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари таққосланадиган ҳолатга келтирилади, сўнг ўсиш суръатлари аниқланади.

### **Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасинииг таҳлил**

**Жадвал №2**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Хисобот йили		Фарқи (+, -)			
		Бизнес режа бўйича	Ҳақиқат да	Режадан		Ўтган йилдан	
				Мутлақ, мингсўм	Нисбий, %	Мутлақ, мингсўм	Нисбий, %
1	2	3	4	5	6	7	8
Маҳсулот ҳажми улгуржи баҳоларда,							
•солиштирма улгуржи баҳода	2113430	2198763	2553967	+355204	+16,15	+440537	+20,84
•амалдаги улгуржи баҳода	1912902	2236548	2721401	+484853	+21,68	+808499	+42.26

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасини солиштирма ва амалдаги улгуржи баҳолар бўйича ортиғи билан бажарган. Маълумотлардан кўринадики, корхонада хисобот йили мақсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма улгуржи баҳо бўйича ўтган йилга нисбатан 440537 минг сўмга, бизнес режага нисбатан эса 355204 минг сўмга кўпайган. Амалдаги улгуржи баҳолар бўйича эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 808499 минг сўмга ёки 42,26 фоизга, бизнес режага нисбатан эса 484853 минг сўмга ёки 21,68 фоизга ўсган. Бундай натижалар шундан далолат берадики, маҳсулот ҳажмининг солиштирма баҳоси билан амалдаги баҳоси ўртасидаги фарқ баҳо ўзгаришининг маҳсулот ҳажмига таъсирини акс этгиради. Бундан кўринадики, корхонада жорий йилда товарлар баҳосида ўсиш кузатилган. Бу эса иқтисодиётда маълум даражада инфляциянинг мавжудлигидан далолатdir.

#### **1.2.1.2. Маҳсулот ассортименти ва структурасининг таҳлили**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳсулот ассортименти бўйича режанинг бажарилиши муҳим аҳамиятга эга, чунки бизнес режада кўрсатилган ассортимент истеъмолчиларнинг талаблари ва буюрмаларидан келиб чиқкан ҳолда тузилади.

*Маҳсулот номенклатураси* – натурал ҳолдаги маҳсулот гурұхлари, кичик гурұхлари ва позицияларини режалаштиришда ва ҳисобга олишда қабул қилинган рўйхат. *Маҳсулот ассортименти* – типлар, турлар, навлар, ўлчамлар, маркалар, артикуллар ва ҳ.к. қараб ажратиладиган маҳсулот таркибидир.

Маҳсулот ассортиментини таҳлил этишнинг бир неча усууллари мавжуд. Корхона фаолиятига тўғри баҳо беришда маҳсулотнинг хилма-хиллиги бўйича бизнес-режанинг бажарилишини аниқлашда энг кам сон миқдорини ҳисобгаолиш усули қўлланилади.<sup>7</sup> Энг кичик усул орқали ассортимент режасининг бажарилиши ҳар бир маҳсулот турининг режа ва ҳақиқий кўрсаткичларидан энг кичиги олиниб, уларнинг йиғиндиси режа бўйича жами маҳсулот ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

$$K_{ac} = \frac{N_{ac}}{N_p}$$

бунда:  $K_{ac}$  – маҳсулот ассортиментининг бажарилиши коэффициенти;

$N_{ac}$  – ассортиментга қабул қилинган маҳсулот;

$N_p$  – жами режадаги маҳсулот қиймати.

### Корхонада маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлили

**Жадвал №3**

<b>Маҳсулот турлари</b>	<b>Маҳсулот бирлигининг баҳоси, сум</b>	<b>Ишлаб чиқарилган маҳсулот натура шаклида, дона</b>		<b>Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймат шаклида, (мингсўм)</b>		<b>Ассортимент хисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот</b>
		<b>Бизнес режада</b>	<b>Ҳақиқатда</b>	<b>Бизнес режада</b>	<b>Ҳақиқатда</b>	
1	2	3	4	5	6	7
«А»	8950	96700	103458	865465	925949	865465
«Б»	7600	102700	97639	780520	742056	742056
«В»	3460	56800	61528	196528	212887	196528
«Г»	2570	65200	57621	167564	148086	148086
«Д»	5680	18919	85731	107462	486953	107462
Жами	X	X	X	2117539	2515931	2059597

<sup>7</sup>Arthur J.Keown, John D. Martin, J.William Petty. Fondations of finance.The logic and practise of Financial Management.2014, ISBN 978-0-13-299487-3. Pearson Education, Inc.Eighth edition, page 411

Жадвал маълумотларидан қўринадики, таҳлил қилинаётган корхонада жорий ҳисобот даврида беш хил ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, улардан «А», «В» ва «Д» ассортиментдаги маҳсулотларни натура ҳолатида ортиғи билан ишлаб чиқарилган. Қолган икки хил ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш режалари эса тўлиқ бажарилмаган. Натижада мазкур акционерлик жамиятида жорий йилда жами ассортимент ҳисобига 2059597 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ўртача ассортимент режасининг бажарилиши 97,26 % ( $2059597 / 2117539 * 100$ ) ни ташкил этган. Ўртача ассортимент режасининг бажарилмаслигига «Б» ва «Г» турдаги маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш режасининг бажарилмаслиги сабаб бўлган. Аммо, корхонада ўртача ассортимент режаси 100 % га бажарилмаган бўлсада, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 118,81 % ( $2515931 / 2117539 * 100$ ) га бажарилган, яъни режа ортиғи билан бажарилган. Корхона маъмурияти ассортимент режасининг бажарилмаслик сабабларини чуқур ўрганишлари ва ўз вақтида тегишли чораларни кўриши лозим бўлади.

Ассортимент режасининг бажарилмаслиги қўрсаткичи орқали ҳам ассортиментга баҳо бериш мумкин.

Бизнинг мисолимизда у қуидагиларни ташкил этган.

«Б» ( $742056-780520 = -38464$  минг сўм «Г» ( $148086-167564 = -19478$  минг сўм, 2,74% ассортимент режасининг бажарилмаслиги

$100 - 2,74 = 97,26\%$  ўртача ассортимент режасининг бажарилиши,

Маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментининг ўзгариши хўжалик фаолияти натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини шакллантиришда корхона биринчи навбатда, маҳсулотлар турига бўлган талабни ҳамда бозордаги ҳолатини, иккинчидан эса, корхонада мавжуд бўлган маҳсулот, хомашё, техник, технологик, молиявий ва бошқа имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни эътиборга олиши зарур.

### *Маҳсулот структураси таҳлили*

Маҳсулот структураси – айрим маҳсулот турларининг жами ишлаб чиқаришда тутган улушидир. Жами ишлаб чиқаришда юқори нархлардаги

маҳсулот турлари улушининг салмоқли бўлиши маҳсулот ҳажмининг қиймат шаклида ортишига ва бунинг акси бўлган ҳолларда маҳсулот ҳажмининг камайишига олиб келади.

### Структура ўзгаришининг маҳсулот ҳажмига таъсири

**Жадвал №4**

Маҳсулот тури	Маҳсулот бирлигини бахоси, сўм	Ишлаб чиқариш ҳажми, дона		Маҳсулот структураси, %		Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймат шаклида, минг сўм			Структура ўзгаришининг маҳсулот ҳажмига таъсири пр.9-гр.8
		бизнес-режа	ҳақиқатда	бизнес-режа	ҳақиқатда	бизнес-режа	ҳақиқий ишлаб чиқариш режа структураси бўйича	ҳақиқатда	
2	3	4	5	6	7	8	9	10	
4000	10000	13000	50,0	68,4	40000	38000	52000	+14000	
2500	10000	6000	50,0	31,6	25000	23750	15000	-8750	
-	20000	19000	100,0	100,0	65000	61750	67000	+5250	

$$19000 * 50 * 4000 : 100 = 38000$$

$$19000 * 50 * 2500 : 100 = 23750$$

$$52000 - 38000 = + 14000$$

Режалаштирилган маҳсулот структураси сақланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми қиймат шаклида 61750 минг сўмни ташкил этиши керак. Ҳақиқатда эса 67000 минг сўмни ташкил этган. Юқори нархдаги маҳсулот улушининг режадаги 50 фоиздан ҳақиқатда 68,4 фоизга қадар кўтарилиши туфайли маҳсулот қиймат шаклида 5250 минг сўмга ортган.

Структура ўзгаришининг асосий сабаблари:

- ҳар хил категориядаги истеъмолчиларнинг маҳсулотга бўлган талабининг ўзгариши;
- корхонани ускуна ва моддий ресурслар билан етарли таъминланмагани;
- зарур малакали мутахассисларнинг этишмаслиги;
- корхонанинг кам меҳнат сифимли, юқори рентабелликка эга маҳсулот турларини кўпроқ ишлаб чиқарishга интилиши.

### **1.2.1.3. Махсулот сифати ва ишлаб чиқариш мароми бўйича режанинг бажарилиши таҳлили**

Махсулот сифати деганда унинг барча мўлжалланган мақсадда фойдаланишга яроқли хусусиятлари мажмуаси тушунилади. Махсулот сифати кўрсаткичлар тизими, яъни умумлаштирувчи, индивидуал (якка), эгри кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

*Умумлаштирувчи кўрсаткичлар:* жами ишлаб чиқаришдаги янги маҳсулот улуши, сертификатлашган ва сертификатлашмаган маҳсулот улуши, жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулот улуши, экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг тутган улушлари.

Махсулот сифатини ифодаловчи *индивидуал (якка) кўрсаткичлар*-фойдалилиги, ишончлилиги (чидамлилиги, бенуқсон ишлаши), технологик шартларга мос келиши, маҳсулотнинг эстетик кўриниши.

*Эгри кўрсаткичлари* – сифатсиз маҳсулот учун тўланган жарималар, брак маҳсулот ва унинг жами маҳсулотдаги улуши ва ҳоказо.

Махсулот сифати жиҳатидан навларга бўлинганда ўртача нав коэффициенти, маҳсулот бирлигининг ўртача сотиш баҳоси аниқланади ва бу кўрсаткичлар ҳисбот йилининг режаси, ўтган йил, рақобатдаги корхона маълумотлари билан таққосланиб тегишли хulosса қилинади. Махсулот сифати бўйича режанинг бажарилиши таҳлили бўйича ўртача тортилган сортни аниқлашда бир сорт бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорини шу сорт белгисига кўпайтириб, сўнгра ҳосил бўлган суммани ҳамма сортлар бўйича ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг миқдорига тақсимлаш керак.

## Маҳсулот сифатининг таҳлили (нав бўйича)

**Жадвал №5**

Маҳсулотлар нави	Ўтган йил		Ҳисобот йил		Ўтган йилга нисбатан фарқи %
	Микдори Тонна	Солиш тирма Вазни %	Микдори тонна	Солиштири ма вазни	
Биринчи навли ун Иккинчи навли ун	5330 2809	65 35	5933 2767	68 32	+3 -3
<b>Жами:</b>	<b>8139</b>	<b>100</b>	<b>8700</b>	<b>100</b>	-
Навлик коэффициенти	1,35		1,32		-0,03

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада маҳсулот сифати ижобий томонга ўзгарди. Яъни ўтган йили биринчи навли маҳсулотниниг солиштирма вазни 65 % ни ташкил қилган бўлса жорий йилда ушбу кўрсаткич 68% ни ташкил қилди. Навлик коэффициенти ҳам ўтган йилга нисбатан 0,03га камайган ва 1,32 ни ташкил қилди.

Агар корхонада олий навли маҳсулот ҳам ишлаб чиқарилса, маҳсулотнинг ўртacha тортилган баҳоларини аниқлаган ҳолда унинг сифатига баҳо берилади. Уни қуидаги мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

## Маҳсулот сифатининг таҳлили

**Жадвал №6**

Маҳсулот нави	Улгуржа Баҳоси м.с	Ўтган йил		Ҳисобот йил		Фарқи минг.сўм
		Тонна	минг сўм.	тонна	минг сўм.	
1. Олий навли ун	150	256	38400	310	46500	+8100
2. 1-навли ун	120	450	54000	480	57600	+3600
3. 2-навли ун	90	58	5220	65	5850	+630
<b>Жами:</b>		<b>762</b>	<b>97620</b>	<b>855</b>	<b>109950</b>	<b>+12330</b>

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 12330 мингсўмга ёки 12,6% га кўпайди.

Маҳсулот сифатига баҳо бериш учун, бу ерда биринчи навбатда ўтган ва ҳисобот йиллар учун маҳсулотларнинг ўртача тортилган баҳосини ҳисоблаш лозим:

1) Ўтган йилдаги маҳсулотнинг ўртача тортилган баҳоси:

БУ= ТМ/Q=97620/762=128,11 минг сўм.

Бу ерда; ТМ -товар маҳсулот ҳажми минг сўм,

Q- натурал ифодада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, тонна.

Демак, маҳсулотларнинг ўртача тортилган баҳоси ўтган йил 128,11 минг сўмни ташкил қилган .

2) Ҳисобот йил маҳсулотнинг ўртача тортилган баҳосини ҳисблаймиз

БУ= 109950/855= 128,65 минг сўм.

Ҳисобот йилда маҳсулотнинг ўртача тортилган баҳоси 0,54 мингсўмга кўпайди ва маҳсулот сифати ошганини кўрсатаяпти.

Ушбу таҳлилда маҳсулот сифатининг товар маҳсулотҳажмига таъсирини ҳисоблаш керак:

ТМ= (128,65-126,11) 855= +461,7 минг сўм.

Демак, маҳсулот сифати ошганлиги туфайли корхона қўшимча 461.7 минг сўмлик қўшимча товар маҳсулот олишга эришди.

### **Ишлаб чиқариш мароми таҳлили**

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича дастурнинг бажарилишини таҳлил қилиш жараёнида маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш каттааҳамиятга эга. *Ишлаб чиқариш мароми* – график асосида бир маромда маҳсулот ишлаб чиқаришдир. *Маромийлик коэффициенти* маром ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотни ( $N_x$ ) жами режа бўйича маҳсулот ( $N_p$ ) ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

$$K_{\text{маром}} = \frac{N_x}{N_p};$$

Бир маромда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумлашган кўрсаткичи бир меъёрда ишлаш коэффициенти ҳисобланади, у жадвал бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилган кунларни умумий иш кунига бўлиш билан аниқланади, одатда ой ҳисобида аниқланади.

## Маҳсулот ишлаб чиқариш маромининг таҳлили

**Жадвал №7**

Ўн кунликлар	Ҳисобот йили		Маром ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот	Жами маҳсулотдаги улуши, %	
	режа	ҳақиқатда		режа	ҳақиқатд а
I ўн кунлик	6165	5728	5728	30	27
II ўн кунлик	7089,7	7425,3	7089,7	34,5	35
III ўн кунлик	7295,3	8061,7	7295,3	35,5	38
Жами	20550	21215	20113	100,0	100,0

Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлик коэффициенти

$$K_{\text{маром}} = \frac{20113}{20550} = 0,978 = 97,8\%$$

Маромийлик коэффициентини улуш кўрсаткичлари орқали ҳам аниқлаш мумкин.

$$K_{\text{вап}} = \frac{\sqrt{\sum (x - \bar{x})^2 / n}}{\bar{x}_{\text{режса}}}$$

$$K_{\text{маром}} = 27 + 34,5 + 35,5 = 97\%$$

Вариация коэффициенти қўйидаги формула асосида аниқланади.

$$K_{\text{вап}} = \frac{\sqrt{(27 - 30)^2 + (35 - 34,5)^2 + 38 - 35,5^2 / 3}}{33,3} = \frac{\sqrt{5,41}}{33,3} = 0,069$$

$$\bar{x}_{\text{режса}} = \frac{100}{3} = 33,3$$

Ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмини белгиланган графикдан фарқланиши туфайли вариация коэффициенти 6,9% ни ташкил этган

#### **1.2.1.4.Маҳсулот сотиши бўйича режа бажарилишининг таҳлили**

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар даврида фақатгина корхона фаолият кўрсатаётган ички ва ташқи муҳитни ислоҳ қилишга қаратилган бўлмай, балки хўжалик юритиш услублари ва мақсадли мўлжалларга ҳам қаратилган бўлиши лозим. Бундай шароитда корхона фаолиятининг моҳияти ва унинг иқтисодий ҳатти-ҳаракати тубдан ўзгариб боради. Глобаллашув шароити ҳар бир иқтисодий фаолият юритувчи субъектдан эҳтиёткорлик, ишбилармонлик, ташаббускорлик, таваккалчилик, шахсий имкониятларини намоён қилиш ва кенгайтириб боришни талаб этади.

Бундай шароитда корхоналарнинг маҳсулот сотишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар қўйидагилардир:

- корхонанинг ялпи маҳсулоти - бу товар маҳсулоти ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги ҳамда корхонанинг ўзида тайёrlанган ярим-фабрикатлар ваасбоблардан иборатdir;
- товар маҳсулоти деганда, барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ҳам ўтган ваомборга торширилган маҳсулот тушунилади;
- сотилган маҳсулот деганда, товарлар истеъмолчиларга жўнатилиб, унинг ҳақи мол юборувчиларнинг банқдаги ҳисоб-китоб рақамига ўtkазилиши тушунилади.

Сотиши ҳажмининг ўсиш суръатига кўпгинакўрсаткичлар таъсир этади. Буларга маҳсулот сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш, маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш, унинг ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қолдиги кабилар киради.

Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг бир-бирига боғлиқлигини текшириш учун товар баланси тузилади. Уни қўйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$T_1+M=P+T_2$$

бу ерда:  $T_1$ -сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошидаги қолдиги;

М-жорий йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотнинг ҳажми;

Р- жорий йилда сотилган маҳсулотнинг маҳсулот ҳажми; Т2- сотилмаган маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғи.

### **Сотилган маҳсулот ҳажмини таҳлил қилиш**

**Жадвал №8**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йил</b>	<b>Фарқи+,-</b>
Йил бошида омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғи, минг сўм	43	132	+89
Йил бошидаги юклаб юборилган пули тўланмаган тайёр маҳсулот қолдиғи	100	300	+200
Тайёр маҳсулот м.с.	7873.7	7157.8	+715,9
Йил охирида омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғи, минг сўм	132	250	-118
Йил охирида юклаб юборилган пули тўланмаган тайёр маҳсулот қолдиғи	300	182	+118
Сотилган маҳсулот м.сўм.	7584.7	7150.8	-433.9

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада сотилган маҳсулот ўтган йилга нисбатан 433,9 минг сўмга ёки 5.7 % га камайди. Сотилган маҳсулотнинг камайишига биринчи навбатда товар маҳсулотнинг камайиши салбий таъсир қилди. Унинг камайиши ҳисобига сотилган маҳсулот 715.9 минг сўмга ёки 9.4% га камайди. Тайер маҳсулотнинг йил бошидаги омбордаги қолдиғи режага нисбатан кўпайиши сотилган маҳсулот ҳажмига ижобий таъсир қилди. Унинг кўпайиши ҳисобига сотилган маҳсулот 289 минг сўмга ёки 3.8 % га кўпайди.

Тайёр маҳсулотнинг йил охиридаги омбордаги қолдиғи ўтган йилга нисбатан ўзгармади. яъни омбордаги тайёр маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғи 118 минг сўмга кўпайган бўлса, ушбу даврдаги юклаб юборилган аммо пули тўланмаган тайёр маҳсулотнинг ҳажми 118 минг сўмга камайди. Бунинг натижасида уларнинг умумий ҳажми 0 га teng бўлди ва сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилмади. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятига баҳо берувчи муҳим мезон - сотиш режасининг шартнома мажбуриятини ҳисобгаолган ҳолда бажарилиши бўлиб қолди. Шартнома мажбурияти бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш учун бизнес-режа ҳажмидаги сотиш

суммасидан етказиб берилмаган маҳсулотлар суммаси чиқарилиб, сўнг сотиш ҳажмининг бизнес-режа даражасига бўлинади.

### **1.2.2. Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишини таҳлил қилиш усуллари Режа:**

*1.2.2.1. Корхонанинг иш кучи билан таъминланганлигининг таҳлили.*

*1.2.2.2. Меҳнат унумдорлиги таҳлили*

*1.2.2.3. Иш вақтидан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиши.*

*1.2.2.4. Иш ҳақи фондидан фойдаланишини таҳлил қилиши.*

#### ***1.2.2.1. Корхонанинг иш кучи билан таъминланганлигининг таҳлили***

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш аввало корхонанинг иш кучи билан таъминланганлигига боғлиқ.<sup>8</sup>

Маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омиллари таркибида қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилади:

- корхонанинг иш кучи билан қай даражада таъминланганлиги;
- иш вақтидан самарали фойдаланиш;
- бир ишловчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш унуми (меҳнат унумдорлиги даражаси).


Корхонада ишловчи барча ходимлар икки гурухга бўлинади: саноат ишлаб чиқариш ходимлари ва носаноат ишлаб чиқариш ходимлари. Ўз навбатида саноат ишлаб чиқариш ходимлари қуйидаги тоифаларга бўлинади: ишчилар, хизматчилар шу жумладан, раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар.

Ишчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқлаш усули қуйидагича: ўтган йилдаги ишчиларнинг амалдаги сони товар маҳсулотининг ўтган йилга нисбатан аниқланган ўсиш суръатига кўпайтирилиб, сўнгра юзга бўлинади. Шу тариқа ҳисобланган кўрсаткич ишчиларнинг жорий йилдаги ҳақиқий сони билан таққосланади.

---

<sup>8</sup>Пардаев М.Ё., Абдукаримов И.Т. Иқтисодий таҳлил. –Т.: “Меҳнат”, 2010.

Мехнат ресурслари – мамлакат аҳолисининг турли мулк шаклидаги корхоналарда ишлаш учун жисмоний ва маънавий қобилиятларини, умумтаълим ва ҳунар билимларини ўзида жамлаган, қисми; мамлакат иқтисодий потенциалининг энг муҳим элементидир. Мехнат ресурсларидан самарали фойдаланиши ўрганиш иқтисодий таҳлилнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Мехнат ресурсларининг меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлган қисми ишчи қучи саналади.



2-чизма. Мехнат ресурсларидан фойдаланиши таҳлил.

Реал сектор корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланишда корхонада иш кучи билан таъминланганлик таҳлили алоҳида ўринга эга.

### **Корхонанинг иш кучи билан таъминланганлиги таҳлили**

**Жадвал №9**

<b>Ишловчилик тоифаси</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Жорий йил</b>	<b>Ўтган йилга нисбатан фарқи</b>	<b>Ўсиш даражаси, %</b>
Товар маҳсулот, солиштирма баҳоларда м.с.	17211,53	18520	+1308,47	107,6
Саноат ишлаб ишлаб чиқариш ходимлар сони,	298	305	+7	102,3
Киши	241	247	+6	102,5
Шу жумладан:	30	28	-2	93,3
-ишчилар	15	16	+1	107
-инженер техник ходимлар	4	4	0	100
-хизматчилар	2	4	2	200

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада ишчилар сони ўтган йилга нисбатан 6 кишига ёки 2,5% га кўпайди. Ишчилар сони бўйича мутлоқ фарқ 6 кишини ташкил килди. Корхонанинг товар маҳсулот бўйича режасини бажариш ўтган йили унумдорлиги буйича 259та ишчи зарур эди, амалда эса 247 киши ишлади, демак корхона 12та ишчига кам таъминланган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада саноат ишлаб чиқариш ходимлар сони ўтган йилга нисбатан 9,0%га ёки 15 кишига камайди, шу жумладан ишчилар 15 кишига камайди. Ишчилар сони бўйича мутлақ фарқ 15 кишини ташкил қилди. Колган тоифадаги ишловчилик сони ўтган йилга нисбатан ўзгармади. Ишчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқлаш учун ўтган йилга нисбатан товар маҳсулоти ўсиш суратини ўтган йилги ишчилар сонига кўпайтириб, жорий йилда талаб этиладиган ишчилар сонини аниқлаймиз ва ундан ҳақиқий ишчилар сонини айирамиз.

$$112 - 127 * 123,9 / 100 = 112 - 157 = -45 \text{ киши}$$

Ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, корхонада ўтган йилдаги меҳнат унумдорлик бўйича 157 киши ишлаши керак эди. Жорий йилда ишчилар сони

112 кишини ташкил қилди ёки нисбий фарқ 45 кишини ташкил қилди.(112-157) Ишчи кучи ҳаракатида йил давомида ишчилар таркибида ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш туфайли ўзгаришлар рўй беради.<sup>9</sup>

*Ишчи кучи ҳаракатини қуидаги кўрсаткичлар ифодалайди:*

– ишчиларни ишга қабул қилиш обороти коэффициенти:

$$k_{k\bar{u}} = \frac{\text{Ишга қабул қилинган ишчилар сони}}{\text{Ишчиларни рўйхат бўйича ўртacha сони}};$$

– ишдан бўшатиш обороти коэффициенти:

$$k_{uk} = \frac{\text{Ишдан бўшаган ишчилар сони}}{\text{Ишчиларни рўйхат бўйича ўртacha сони}};$$

– қўнимсизлик коэффициенти:

$$k_k = \frac{\text{Ўзаризасига мувофик ва меҳнат интизомини бузганилиги учун ишдан кетган ишчилар}}{\text{Ишчиларни рўйхат бўйича ўртacha сони}};$$

Фаолияти таҳлил этилаётган корхонада ишчи кучи ҳаракатининг динамикаси қуидаги кўрсаткичлардан иборат:

### **Ишчи кучи ҳаракатининг таҳлили**

**Жадвал №10**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Жорий йил</b>	<b>Фарқи</b>	<b>Ўсиш даражаси,%</b>
1.Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони киши.	241	247	+6	102,5
2.Ишчилар кобул қилинди	13	18	+5	138,5
3. Ишдан бўшади- жами шу жумладан:	11	11	0	100,0
бошқа бўлим ва ташкилотларга ўтказилди	1	1	0	100,0
армияга чакирилди, пенсияга чиқкан ва шунга ўхшаш бошқа сабаблар асосида	3	2	-1	66,7
ўз хохишига кўра	3	3	0	100,0
мехнат интизомини бузгани учун	4	5	+1	125,0
4.Айланниш коэффициентлари:	0,054	0,073	+0,019	135,1
кобул қилиш бўйича	0,046	0,045	-0,001	97,6
	0,029	0,032	+0,003	111,51

<sup>9</sup>Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Файзиев Б.В. Финансовый и управленический анализ. –Т.:“IQTISOD-MOLIYA”, 2013

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада ишга қабул қилиш буйича айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан 35,1 %га кўпайди, ишдан бўшатиш бўйича айланиш коэффициенти эса 2,4 % га камайди . Бу албаттда корхона ўтган йили янги ишчи ўринлари ташкил этилганлигидан далолат беради. Корхонада қўнимсизлик коэффициентининг ўтган йилга нисбатан 11,51 % га кўпайди ва корхонада меҳнатни ташкил этиш ва моддий рагбатлантиришда камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашда, коллектив орасида психологик мухитда жиддий камчиликлар борлигидан қўнимсизлик коэффициенти далолат бермоқда.

#### **1.2.2.2. Меҳнат унумдорлиги таҳлили**

Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги (соат, смена, ой, квартал, йил) ичида бир ишчи (ишловчи) томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қуидаги учта кўрсаткични қўллаш мумкин: натурал кўрсаткичлар, шартли - натурал кўрсаткичлар, пул (қиймат) кўрсаткичлар.<sup>10</sup>

Қиймат кўрсаткичлари хар хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарда қўлланилади.

а) Меҳнат унумдорлигининг қиймат шакли:  $My = \frac{Q}{x}$ ,

Бунда  $My$  – меҳнат унумдорлиги;

$Q$  – ишлаб чиқарилган маҳсулот солиштирма улгуржи баҳода;

$X$  – ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони.

б) Меҳнат унумдорлигининг натура шакли:  $My = \frac{Q \text{ тонна, кг, м, ...}}{x}$ ,

в) Меҳнат унумдорлигининг меҳнат шакли:  $My = \frac{T}{Q}$ ,

$T$  – маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган вақт (киши-кун, киши-соат);

$Q$  – маҳсулот миқдори (дона, кг, ва х.к.)

---

<sup>10</sup>Arthur J.Keown, John D. Martin, J.William Petty. Fondations of finance.The logic and practise of Financial Management.2014, ISBN 978-0-13-299487-3. Pearson Education, Inc.Eighth edition,Page 468.

**Ишловчиларнинг меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи асосий омилларнинг таъсири**

**Жадвал №11**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Жорий йил</b>	<b>Фарқи</b>	<b>Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %</b>
Товар маҳсулот солиштирма баҳоларда млн.. сўм	17211,53	18520,00	+1308,47	107,60
СИЧХ нинг ўртacha йиллик сони , киши.	298	305	+7	102,35
Ишчиларнинг ўртacha йиллик сони киши.	241	247	+6	102,49
СИЧХ нинг ўртacha йиллик меҳнат унумдорлиги м.с	57756,82	60721,31	+2964,49	105,13
Ишчиларнинг ўртacha йиллик меҳнат унумдорлиги м.с.	71417,14	74979,76	+3562,61	104,99

Юкоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада СИЧХнинг меҳнат унумдорлиги ўтган ўтган йилга нисбатан 2964,5 минг сўмга ёки 5,13 %га кўпайди. Ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги эса 3562,61 минг сўмга ёки 4,99 % га кўпайди. Ушбу таҳлилда товар маҳсулотнинг ўзгаришига меҳнат унумдорлигининг ва ишовчилар сонининг таъсирини аниклаш лозим.

А) меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига ишовчилар сони ўзаришининг таъсири

$$7 \times 57756,6 = +404297,724 \text{ кўпайди.}$$

Ишловчилар сони ўзгариши товар маҳсулотни 404297,7 минг сўмга кўпайтириди

Б) Товар маҳсулот хажмига меҳнат унумдорлигининг таъсири:

$$+2964,49 \times 305 = +904170,58 \text{ минг сўм}$$

Умумий таъсирни хисоблаймиз:

$$+404297,7 + 904170 = +1308468 \text{ минг сўм}$$

Шундай қилиб икки омил таъсири натижасида товар маҳсулот 1308,47 млн. сўмга

### 1.2.2.3. Иш вақтидан оқилона фойдаланишни таҳлил қилиш

Мехнат унумдорлигининг ўсиши бевосита иш вақтидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Иш вақтидан фойдаланишнинг умумлашган кўрсаткичи - ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши соатлари. Бизнинг корхонада жорий йилда ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши соатлари ўтган йилга нисбатан 27227 соатга қўпайган унга қўйидаги омиллар тасир кўрсатган:

#### *Мехнат унумдорлигига таъсир қилган омиллар таҳлили*

**Жадвал №12**

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йил	Жорий йил	Фарқи	Ўсишдаражаси, %
Товар маҳсулот, солиштирма баҳоларда минг сўм	17211,5	18520,0	+1308,47	107,60
СИЧХ нинг ўртacha рўйхатдаги сони киши	298	305	+7	102,3
Ишчиларнинг ўртacha рўйхатдаги сони киши	241	247	+6	102,5
Ишчиларнинг солиштирма вазни %	80,9	81,0	+0,1	100,1
Ишчилар томонидан жами ишланган киши кунлар	64588,0	67184,0	+2596,0	104,0
Ишчилар томонидан жами ишлангна киши соатлар	510245	537472	+27227	105,3
Иш куни давомийлиги соат	7,9	8,00	+0,10	101,3
Бир СИЧХга тўғри келувчи ўртacha йиллик иш унуми	57756,8	60721,3	+2964,5	105,1
Бир ишчи томонидан бир йилда ўртacha ишланган киши кунлар.	268,0	272,0	+4,0	101,5
Бир ишчига тўғри келувчи ўртacha йиллик иш унуми , сўм	71417,1	74979,8	+3563	105,0
Бир ишчига тўғри келувчи ўртacha кунлик иш унуми сўм	266,5	275,7	+9,2	103,4
Бир ишчига тўғри келувчи ўртacha соатлик иш унуми	33,7	34,5	+0,7	102,2

1) Ишловчиларнинг мехнат унумдорлигига ишчиларнинг соатлик унумдорлигининг таъсири:

$$34.5 \times 268 \times 7.9 \times 0.81 = +59165,15 \text{ минг сўм}$$

$$59165,15 - 57756,82 = +1408,33 \text{ минг сўм}$$

Демак, ишчиларнинг соатлик унумдорлиги кўпайиши хисобига меҳнат унумдорлиги 1408,33 минг сўмга кўпайди

2) Меҳнат унумдорлигига йиллик иш кунлари сони ўзгаришининг таъсири:

$34.5 \times 272 \times 7.9 \times 0.81 = +60048,216$  минг сўм

$60048,216 - 59165,15 = +883,066$  минг сўм

Демак, ишчиларнинг иш кунлари сони ўзгариши хисобига меҳнат унумдорлиги минг 883,066 сўмга кўпайди

3) Меҳнат унумдорлигига йиллик иш кунлари сони ўзгаришининг таъсири

$34.5 \times 272 \times 8 \times 0.81 = +60808,32$  минг сўм

$60808,32 - 60048,216 = +760,10$  минг сўм

Демак, ишчиларнинг иш кунлари давомийлиги сони ўзгариши хисобига меҳнат унумдорлиги 760,1 минг сўмга кўпайди

4) Меҳнат унумдорлигига ишчиларнинг солиштирма вазни ўзгаришининг таъсири

$60721,31 - 60808,32 = -87,01$  минг сўм

Шундай қилиб умумий таъсирни ҳисоблаймиз:

$+1408,33 + 883,066 + 760,1 - 87,01 = +2964,5$  минг сўм

#### **1.2.2.4 .Иш ҳақи фондидан фойдаланишни таҳлил қилиш**

Иш ҳақи фондига ҳамма ходимларга доимий, мавсумий, вақтинча ишлайдиган ходимларга бажарилган иш учун тўланадиган пул миқдори, шунингдек амалдаги қонунларга мувофиқ ходимлар(эмизикли оналар ишидаги узилиш учун ҳақ тўлаш ва бошқалар)га ишламаган вақтлари учун тўланган ҳақ суммаси ҳам қўшилади. Бунда таҳлилнинг асосий вазифаси иш ҳақи фондининг тобора камайтириш имкониятларини аниқлаш ҳисобланади, зеро иш ҳақи таннархда тутган салмоғи жиҳатдан юқори бўлиб, уни қисқартириш таннархнинг камайишига, бу эса ўз навбатида, фойда ва рентабеллик даражасини оширади. Таҳлил учун маълумотлар йиллик ҳисботнинг 2-м- "Корхоналарнинг меҳнат тўғрисида ҳисбот" номли шаклидан олинади.

**Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи фондидан  
фойдаланиши таҳлил қилиш**

**Жадвал №13**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йил</b>	<b>Мутлок фарқи</b>	<b>Ўсиш даражаси %</b>
Товар маҳсулот. минг сўм	14963,3	17562,3	+2599,0	117,4
СИЧХ сони киши	298	305	+7	102,3
Ишчиларнинг ўртача йиллик сони киши.	241	247	+6	102,5
СИЧХнинг иш ҳақи фонди м.с	712290,0	1086225	+373935	152,5
Ишчиларнинг иш ҳақи фонди минг сўм.	481125,0	845240	+364115	175,7
СИЧХ нинг ўртача йиллик иш ҳақи. минг сўм	2390,2	3561,4	+1171,2	149,0
Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи минг сўм	1996,4	3422,0	+1425,7	171,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада ишловчиларнинг иш ҳақи фонди ўтган йилга нисбатан 373935 минг сўмга ёки 52,5 % га кўпайди, ишчиларнинг иш ҳаки эса ушбу даврда 364115 минг сўмга ёки 75,7 %га кўпайди. Иш ҳаки фондининг кўпайиши ўртача иш ҳакининг кўпайишига олиб келди. Жадвалдан кўриниб турибдики, ишловчиларнинг ўртача иш ҳаки 1171,2 у минг сўмга ёки 49% га кўпайди. Ишчиларнинг иш ҳаки буйича мутлок фарқ 364115 минг сўмни ташкил килди.

Ушбу таҳлилда иш ҳаки буйича нисбий фаркни хисоблашимиз лозим:

845240..481125 (1-0,174\*0,7) =+306861,1 минг сўм Демак корхонада ўтган йилциллик меҳнат унумдорлиги буйича 538378 минг сўм иш ҳаки тўланиши керак эди, амалда эса 845240 минг иш ҳаки тўланди, яъни, 306861 минг сўмга ортиқча. Бу эса корхонанинг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилмаганидан далолат беради.

Иш ҳақи фондига таъсир қилувчи омилларни мутлақ фарқ усули орқали ҳам аниқлаш ҳам мумкин. Бунда иш ҳақи фондининг ўзгаришига икки омил: ишловчи ходимлар сони ва ходимларнинг ўртача йиллик иш ҳақи таъсир кўрсатади. Биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун ходимлар сонида бўлган фарқ уларнинг ўтган йилдаги ўртача йиллик иш ҳақи миқдорига

кўпайтирилади. Иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун ходимларнинг ўртacha йиллик иш ҳақида бўлган фарқ уларнинг ўтган йилдаги ўртacha

### **1.2.3- мавзу.Асосий фондларнинг таркибини, ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари**

**Режа:**

- 1.2.3.1. Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракатининг таҳлили.*
- 1.2.3.2. Асосий фондларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиши.*
- 1.2.3.3. Асосий фондлардан самарали фойдаланишини таҳлил қилиши.*

#### **1.2.3.1. Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракатининг таҳлили**

Маълумки, асосий фондлар узоқ вақт хизмат қиласди, ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг натурал шаклини сақлаб қолади ва капитал маблағлар ҳисобига тўлдирилиб борилади. Корхоналарда асосий фондлари ишлаб чиқаришдаги ўз ролларига караб уч туркумга бўлинади:

- 1) саноат ишлаб чиқариш фондлари,
- 2) бошқа тармоқларнинг саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари,
- 3)ишлаб чиқаришдан ташқари асосий фондлар.<sup>11</sup>

Хўжалик фаолияти таҳлилида асосий эътибор саноат ишлаб чиқариш фондларига берилади, чунки маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш уларнинг ҳажми ва тутган салмоғига боғлиқ.<sup>12</sup>

Корхоналарда асосий фондлар алоҳида ўринга эга бўлиб, улардан самарали фойдаланишда асосий фондларнинг таркиби , тузилиши, ҳаракати, техник ҳолати, асосий фондлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишни талаб қиласди.

---

<sup>11</sup>Arthur J.Keown, John D. Martin, J.William Petty. Fondations of finance.The logic and practise of Financial Management.2014, ISBN 978-0-13-299487-3. Pearson Education, Inc.Eighth edition, page 94.

<sup>12</sup>Arthur J.Keown, John D. Martin, J.William Petty. Fondations of finance.The logic and practise of Financial Management.2014, ISBN 978-0-13-299487-3. Pearson Education, Inc.Eighth edition, Page 395.

**Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркиби ва тузилишининг  
таҳлили**

**Жадвал №14**

Асосий фонdlар	Йил бошида		Йил охирида		Фарқи	
	М.с	С.в.%	М.с	С.в.%	М.с	С.в.%
Бинолар	845,8	27,8	850,2	27,6	4,4	-0,2
Иншоатлар	416,4	13,7	418,3	13,6	1,9	-0,1
Ўтказувчи қурилмалар	216,1	7,1	218,3	7,1	2,2	0,0
Машина ва дастгоҳлар	1451,2	47,7	1479,3	48,0	28,1	0,3
Транспорт воситалари	57,0	1,9	58,3	1,9	1,3	0,0
Инструмент, ишлаб чиқариш, хўжалик инвентарлари ва бошқа АФ	59,0	1,9	60,6	2,0	1,6	0,0
<b>Жами:</b>	<b>3045,441</b>	<b>100</b>	<b>3085,005</b>	<b>100</b>	<b>39,564</b>	

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада асосий фонdlарнинг тузилишида ижобий ҳолат рўй берди. яъни асосий фонdlарнинг фаол кисмининг солишишима вазни йил бошига нисбатан 0,3 % кўпайди; машина дастгоҳларнинг қиймати йил охирида йил бошига нисбатан 48 млн. сўмга, солишишима вазни эса 0,3,% га кўпайди, Асосий фонdlарнинг пассив кисми эса ушбу даврда 0,3 пунктга камайди. Умуман қилиб олганда таҳлил қилаётган йилда асосий фонdlарнинг тузилишида ижобий ҳолат юз бермади.

**Асосий фонdlарнинг таркиби ва ҳаракатининг таҳлили**

Корхонада маҳсулот ассортиментини кенгайтириш мавжуд асосий фонdlарнинг техник ҳолатига, уларни янгилаш даражаси ва улардан самарали фойдаланишга боғлик<sup>13</sup>. Асосий воситалар ҳаракатининг таҳлили қўйидаги кўрсаткичларни аниқлашдан бошланади. Асосий воситаларни:

- ишга тушириш коэффициенти;
- янгилашиб коэффициенти;

<sup>13</sup>Шоғиёсов Т.Ш. Комплексиқтисодийтаҳлил. Ўкув қўлланма -Т.: «Иқтисод-молия», 2009. - 220 б.

- чиқиб кетиш коэффициенти;
- тугатиш коэффициенти;
- машина ва жиҳозлар паркини кенгайтиришкоэффициенти.

$$\text{Асосий воситаларни ишга} \quad \frac{\text{Ишга туширилган асосий воситалар}}{\text{тушириш коэффициенти (КИТ)}} = \frac{\text{Асосий воситаларнинг йил охиридаги қолдиғи}}$$

$$\text{Янгиланиш} \quad \frac{\text{Янги асосий воситалар қиймати}}{\text{коэффициенти (Кя)}} = \frac{\text{Асосий воситаларнинг йил охиридаги қолдиғи}}$$

$$\text{Чиқиб кетиш} \quad \frac{\text{Асосий воситалар чиқими}}{\text{коэффициенти}} = \frac{\text{Асосий воситаларнинг йил бошига қолдиғи}}$$

$$\text{Тугатиш} \quad \frac{\text{Тугатилган асосий воситалар қиймати}}{\text{коэффициенти}} = \frac{\text{Асосий воситаларнинг йил бошига қолдиғи}}$$

$$\text{Алмаштириш} \quad \frac{\text{Асосий воситалар чиқими}}{\text{коэффициенти}} = \frac{\text{Келиб тушган асосий воситалар}}$$

**Жадвал №15**

Асосий Фондлар	Йил бошида		Ўрна тилди	Олиб ташланди	Йил бошида		Ўрна-	
	М.сўм	%			М.сўм	%	М.сўм	%
Саноат ИЧФ	3019,941	99,2	40,344	0,806	3059,5	99,2	39,538	0,01
ИЧ дан ташқари АФ	25,5	0,8	0,2	0,174	25,526	0,8	0,026	0,01
жами	3045,441	100	40,544	0,98	3085	100	39,564	

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада асосий фондларнинг тузилишида ўзгаришлар руй бермади .Яъни, СИЧФ ларининг солиштирма вазни йил бошига нисбатан ўзгармади.

Ушбу таҳлилда янгиланиш ва олиб ташлаш коэффициентлари хисоблаш лозим. *Янгиланиш коэффициенти* қуидаги формула билан ҳисобланади:

$$\text{АФўрт} * 100$$

$$\text{Кян} = \text{-----},$$

АФ йил охири

Бу ерда: АФўрт- янги ўрнатилган асосий фондларнинг қиймати.

АФ йил охири- Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати.

Олиб ташлаш коэффициенти эса қуидаги формула билан ҳисобланади:

АФот \*100

Кот =-----

АФЙ.Б.

Бу ерда: АФот-хисобот йилда олиб ташланган асосий фондларнинг қиймати,

АФ йил бошида-Асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати

А)Янгиланиш коэффициенти:  $K_a = 40,34 \times 100 / 3059,5 = 1,3\%$

Б) Олиб ташлаш коэффициенти  $K_{ot} = 0,806 \times 100 / 3019,9 = 0,03\%$

Хисоб китоблар шуни кўрсатияптиki корхонада асосий фондларни янгилашга деярли эътибор берилмаяпти. Яъни корхонада асосий фондларнинг 1,31% янгиланаяпти. Янгиланиш ва олиб ташлаш коэффициентлардаги фаркларнинг йўклиги корхонада асосан эски машина ва аппаратларни алмаштиришга ахамият берилмаятганлигидан далолат беради. Умуман, олганда корхонанинг харакатида ижобий узаришлар рўй бермади.

Олинган натижалар корхонада асосий фондларни янгилашга катта эътибор берилмаётганидан далолат беради. корхонада қўшимча линиялар ўрнатилганидан ва янги цехлар ташкил этишга катта эътибор бериш зарурлигини кўрсатади.

#### **1.2.3.2. Асосий фондларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш**

Асосий фондларнинг техник ҳолатини белгиловчи умумий кўрсаткичлардан бири - уларнинг эскириш коэффициентидир. Буни аниқлаш учун асосий фондларнинг эскириш суммаси бошлангич қийматига бўлинади. Одатда, асосий фондлар эскириш коэффициентининг камайиши улар техник ҳолатининг яхшиланганлигидан далолат беради.<sup>14</sup>

Асосий фондларнинг ишга яроқлилик коэффициентини ҳам аниқлаш мумкин. Уни аниқлаш учун бирдан эскириш коэффициенти айрилади, яъни 1-Ек. Асосий воситаларни эскириш коэффициенти (КЭ), уларнинг эскириш

---

<sup>14</sup>Савицкая Г.В. Теория анализа хозяйственной деятельности. –М.: “Инфра-М”, 2010.

суммасини асосий воситаларни дастлабки қийматига бўлиш орқали аниқланади.

### **Асосий фондлар техник ҳолатининг таҳлили**

**Жадвал №16**

<b>Асосий фондлар</b>	<b>Йил бошида</b>				<b>Йил охирида</b>			
	<b>Баланс қиймати м.с.</b>	<b>Колдик қиймати м.с</b>	<b>Ескириш қиймати м.с</b>	<b>Ескириш коэф.%</b>	<b>Баланс қиймати м.с.</b>	<b>Колдик қиймати м.с</b>	<b>Ескириш қиймати</b>	<b>Ескириш коэф.%</b>
Саноат Ишлаб чиқариш фондлари	3019,941	2033,5	986,408	32,7	3059,5	1893,5	1165,992	38,1
ИЧ дан ташқари А.Ф	25,5	14	11,5	45,1	25,526	16,3	9,226	36,1
<b>Жами:</b>	<b>3045,441</b>	<b>2047,5</b>	<b>997,908</b>	<b>32,8</b>	<b>3085</b>	<b>1909,8</b>	<b>1175,218</b>	<b>38,1</b>

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада асосий фондларнинг техник ҳолатида сезиларли ўзгаришлар берди. Яъни жами асосий фондларнинг йил бошидаги эскириш даражаси 32,8% ни ташкил қилган бўлса, йил охирида ушбу кўрсаткич 38,1 % ни ташкил килди, яъни 5,3% га эскирди. Айникса, саноат ишлаб чиқариш фодларининг техник даражаси 5,4% га эскирди. Умуман, корхона асосий фондларнинг техник ҳолати яхшидир. Чунки асосий фондларнинг эскириш даражаси 40 % дан паст.

Асосий фондларнинг техник даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири-асбоб ускуналарнинг хизмат қилиш ёши ҳисобланади. Асбоб-ускуналарнинг ўртача хизмат қилиш даври қанча кам бўлса асбоб-ускуналар паркининг техник даражаси юқори ҳисобланади.

### **1.2.3.3.Асосий фондлардан самарали фойдаланишини таҳлил қилиш**

Асосий фондлардан фойдаланишининг умумлаштирувчи кўрсаткичи фонддан олинадиган самара ҳисобланади. У асосий фондларнинг бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот чиқарилганлигин кўрсатади. Фонд самараси қўйидаги формула орқали ифодаланади: Товар маҳсулоти (соф тушум) ҳажмини асосий фондларнинг қийматига бўлинади. Фонд самараси кўрсаткичининг акси фонд сиғими, деб аталади. Ушбу кўрсаткич асосий фондлар қийматини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тариқасида аниқланади.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда

Фонд рентабеллиги = -----

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha  
йиллик қиймати

*Фонд қайтими* (самараси) $(\Phi_k)$  асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар сўми (100, 1000 сўми)га тўғри келадиган маҳсулот ( $Q$ ) ҳажмини ифодалайди.

$$\Phi_k = \frac{Q}{A_\phi}$$

Ёки фонд самараси кўрсаткичини ҳисоблаш учун товар маҳсулот ҳажмини асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha йиллик қийматига бўлинади. Буни қўйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин.

$$\Phi_c = \frac{\text{ТМ}}{\text{Аф}}$$

бу ерда:  $\Phi_c$ - фонд самараси.

ТМ- товар маҳсулот,

Аф- асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha йиллик қиймати

*Фонд сигими* ( $\Phi_c$ ) фонд қайтимининг аксидир.  $\Phi_c$  – маҳсулот қийматининг ҳар сўми (100, 1000)га тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондларини ифодалайди.

$$\Phi_c = \frac{\overline{A_\phi}}{Q}$$

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан нисбий иқтисод (ортиқча сарф) қуидаги аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{нисб}}(A_{\phi}) = (\Phi_c^1 - \Phi_c^0)^* Q'$$

Бунда:  $A_{\phi}$  – асосий ишлаб чиқариш фондлари;

$\Phi_c^1$ ,  $\Phi_c^0$  – ҳисобот даври, базис даврларининг фонд сифими;

$Q'$  – ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

### Асосий фондлардан фойдаланишининг таҳлили

Жадвал №17

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йил	Ўтган йилга нисбатан фарқи	Ўшиш даражаси %
Товар маҳсулот м.с	14963,3	17562,3	2599,0	17,4
Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати. М.с	2802,9	3065,2	262,3	109,4
Машина ва дастгоҳларнинг ўртача йиллик қиймати м.с	1451,2	1479,3	28,1	101,9
Фонд самараси (1 сўмлик асосий фонд учун)	5,34	5,73	0,4	107,3
Фонд самараси (1 сўмлик машина ва дастгоҳлар учун)	10,31	11,87	1,6	115,1

Жадвалдан кўриниб турибди, таҳлил килинаётган корхонада жами асосий фондлардан самарали фойдаланишга эришилди. Яъни асосий фондларнинг фонд самараси ўтган йилга нисбатан 0,4 сўмга ёки 107,3 % га кўпайди, ушбу даврда машина ва дастгоҳларнинг фонд самараси 1,6 сўмга ёки 115,1%га кўпайди,

Ушбу таҳлилда таҳлилда товар маҳсулотнинг ўзгаришига асосий фондлар ва фонд самарасининг таъсирини аниклаш лозим,

А) Товар маҳсулот ҳажмига асосий фондлар қийматининг ўзгаришининг таъсири:

$$262,3 \cdot 5,34 = +1400,15 \text{ млн. с.}$$

Демак ,асосий фондларнинг ўзгариши хисобига асосий фондлар 1400,16 млн. сўмга кўпайдит

Б) Товар маҳсулотнинг ўзгаришига фонд самараси ўзгаришининг таъсири.

$$+0,4 \times 3065,2 = +1198,9 \text{ млн. с}$$

Демак фонд самараси ўзгариши хисобига товар маҳсулот 1198,9 млн. сўмга кўпайди, Умумий таъсирини хисоблаймиз.

$$+1400,16 +1198,9 = +2599, \text{ млн. сўмм}$$

#### **1.2.4. Корхоналарининг моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усуслари**

**Режа:**

*1.2.4.1. Материал сарфини камайтиришининг аҳамияти.*

*1.2.4.2. Моддий ресурсардан фойдаланишининг таҳлили*

##### **1.2.4.1. Материал сарфини камайтиришининг аҳамияти**

Маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳажмини қўпайтириш ўз навбатида хом-ашё ва материалларни қўпайтиришни талаб қиласди. Кейиги йилларда қабул қилинган қўпгина қарорларда тежамкорликни кучайтириш, ҳамма турдаги ресурсларни оқилона сарфлаш, уларнинг нобуд бўлишини камайтиришга эришиш, ресурсларни тежайдиган ва чиқиндисиз технологияга ўтиш, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш, уларни қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, иккиламчи хом-ашени тўплаш, шунингдек ушбу ишни оқилона ташкил қилиш ва тайерлов ташкилотларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Моддий ресурслар билан корхонани таъминланиши, захира ҳолати, улардан самарали фойдаланиш, ички имкониятларини аниқлашда иқтисодий таҳлилнинг роли каттадир. иқтисодий таҳлилнинг бу борадаги асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланиш даражасини аниқлаш;
- шартномадаги материал ресурсларини етказиб бериш муддатларига риоя қилишини назорат қилиш;

- транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини белгилаш;
- захира ва харажатларни самарали бошқарилишини ўрганиш.<sup>15</sup>

Таҳлил этишнинг ахборот манбалари :

Моддий-техника таъминоти бўйича бизнес-режа; хом ашё ва материаллар бўйича тузилган шартнома; моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги статистик ҳисобот; моддий-техник таъминоти бўлимининг, омборхона тезкор маълумотлари хамда хом ашё ва материалларнинг кирими, сарфи бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва бошқа манбалар. Ана шу маълумотларга асосланган ҳолда материаллар гурухи бўйича келтирилиши ва бизнес-режанинг бажарилишини аниқлаш мумкин.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш учун корхона хом ашё, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслар билан етарли миқдорда таъмин этилиши керак.<sup>16</sup> Материалларни белгиланган миқдорда, ассортиментда келиб тушмаслиги, муддатларини узайиши ишлаб чиқаришни тўлиқ қувват билан ишлашини таъмин этмайди. Шу билан бирга, ортиқча хом ашё захираларига эга бўлиш, маблағлар айланишини секинлаштиради, накд пул маблағларининг этишмаслигига олиб келади.

Таҳлил давомида корхонани моддий ресурслар билан таъминланиш коэффициенти аниқланади

$$K_T = \frac{M_x}{M_p},$$

бунда  $M_x, M_p$  – материалларни ҳақиқий тушуми ва материалларга бўлган талаб (шартнома).

Моддий ресурсларнинг меъёр захираси жорий ва муҳофаза (ҳар эҳтимолга қарши) захираларидан иборат.

$$Z_{\text{меъёр}} = Z_{\text{жорий}} + Z_{\text{муҳофаза}}$$

<sup>15</sup>Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик.-Т.: «Фан ва технология», 2012.

<sup>16</sup>Arthur J.Keown, John D. Martin, J.William Petty. Foundations of finance.The logic and practise of Financial Management.2014, ISBN 978-0-13-299487-3. Pearson Education, Inc.Eighth edition, Page 502

Жорий захира етказиб бериш интервали (Инт) кунда ва материалларни бир кунлик сарфлари ( $C_{кун}$ ) кўпайтмасидан ҳосил бўлади.

$$З_{жорий} = \text{Инт}^* C_{кун}$$

### - Моддий ресурслар таъминоти режасининг бажарилишини таҳлили

**Жадвал №18**

<b>Материаллар тури</b>	<b>Материалларга бўлган талаб, тонна</b>	<b>Талабни қоплаш манбаи</b>		<b>Шартнома тузилди, тонна</b>	<b>Талабнинг шартнома бўйича қопланиши, %</b>	<b>Материалларнинг келиб тушиши, тонна</b>	<b>Шартнома бажарилиши, %</b>
		<b>ички</b>	<b>ташқи</b>				
A	25000	500	24500	23300	95,1	21902	94,0
Б	47000	50	4650	4420	95,0	4190	94,8

Жадвал маълумотлари шуни қўрсатадики, “А” хом ашё турига тузилган ташқи шартнома 95,1 ( $23300:24500 \times 100$ ) фоизга, “Б” тури бўйича 95,0 фоизга бажарилган холос. Корхонанинг ички ва ташқи манбалар бўйича хом ашёга бўлган талаби “А” хом ашёси бўйича 95,2 ( $\frac{500+23300}{2500}$ ) фоизга, “Б” хом ашёси бўйича эса 95,1 ( $\frac{50+4420}{4700}$ ) фоизга таъминланган. Материалларни етказиб бериш режаси 10,4 фоизга бажарилмаган.

$$-\left(\frac{(21902+500)*100}{25000}\right)=89,6 \text{ фоиз}; 100-89,6=10,4$$

### 1.2.4.2. Моддий ресурслардан фойдаланишнинг таҳлили

Материалларни режа асосида тайёрлаш маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш учун имкон яратади Моддий ресурслардан самарали фойдаланишга хом ашё сарфи билан бир қаторда хом -ашё материалларнинг баҳосининг ўзгариши ҳам таъсир

Материаллардан самарали фойдаланишни умумий ва якка кўрсаткичлар тизими ифодалайди. Моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш даржасини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич материал қайтими ҳисобланади.

Материал қайтими күрсаткичининг акси материал сиғимиидир. У бир сўм товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун неча тийин моддий харажатлар тўғри келишини кўрсатади.

Материаллар харажатини ҳар сўмига тўғри келадиган фойда, сотишдан кўрилган фойдани ( $\Phi$ ) материаллар харажати ( $M_x$ ) га бўлиш орқали аниқланади. ( $\frac{\Phi}{M_x}$ ).

Материал қайтими ( $M_c$ ) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ( $Q$ ) материаллар харажатига бўлиш орқали аниқланади.

$$M_c = \frac{Q}{M_x}$$

Материал сиғими ( $M_c$ ) материал қайтимининг акси бўлиб, ма-териаллар харажатини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади.

$$M_c = \frac{M_x}{Q}$$

### **Материал сиғимининг таҳлили**

**Жадвал №19**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>режа</b>	<b>Амал</b>	<b>фарқи</b>	<b>Режанинг бажарилиши %</b>
Товар маҳсулот м.с.	14963,3	17562,3	5963,979	120,44
Моддий харажатлар м.с.	11226,78	12877,2	1650,42	114,70
Шу жумладан:	10413,48	12032,9	1619,42	115,55
хом-ашё ва асосий материаллар	345,3	352,3	7	102,03
Ёрдамчи материаллар	245	260	15	106,12
ёқилғи	223	232	9	104,04
энергия	75,03	73,32	-1,71	97,73

Жадвалдан қўриниб турибдики, корхонада моддий ресурслардан фойдаланиш ўтган йилга нисбатан ижобий томонга ўзгарди. Яъни ўтган йили материал сиғими 73,99 тийинни ташкил килган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йили 73,36 тийинни ташкил килди. Моддий ресурслардан ёкилғи, энергиядан фойдаланиш ўтган йилилга нисбатан ортикча сарфланган.

Ушбу таҳлилда материал сиғимининг жами моддий харажатларга ва товар маҳсулотга таъсирини ҳисоблаш лозим:

1. Материал сиғими ўзгаришининг жами моддий харажатларга таъсирини ҳисоблаймиз:

$$-1,71 \times 10413,48 = -191,51 \text{ млн. сўм}$$

Демак материал сиғими кўпайиши ҳисобига моддий харажатлар 191,51 млн. сўмга камайди.

2. Материал сиғими ўзгаришининг товар маҳсулот ҳажмига таъсири:

$$14963,3 \times 1,71 = +255,24 \text{ млн. сўм}$$

Демак тежаб қолинган моддий харажатлар ҳисобига товар маҳсулот ҳажмини 255,24 млн. сўмга кўпайди

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили асосида корхоналар олдига қўйилган вазифаларни бажаришни талаб қиласди:

### **1.3. “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларининг ўқув мақсадлари**

Жамиятимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш йўналишлари таркибига таълим тизимини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хозирги кунда таълим сифатини ошириш масаласи муҳим жараён ҳисобланади. Жумладан, Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 2909-сонли ПҚ билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев комплекс чора - тадбирларни белгилаб берди. Чора-тадбирлар қўйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиши режалаштирган:

7 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва 11 та Ҳукумат қарорлари лойиҳаси.<sup>17</sup> Таълим сифатини нафақат олий таълим, балки ўрта маҳсус таълимда ҳам ошириш долзарб вазифалар қилиб белгиланди.

“Иқтисодий таҳлил” фанини ўқитишининг инновацион ўқув услубиётини яратишда шу фаннинг 2-Модули, яъни “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” мавзусини ўқитиши учун битирув малакавий иши мақсадга эришиши йўлида қўйидаги вазифаларни бажармоғи лозим:

- “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларининг ўқитишининг мақсади ва вазифаларини аниқлаш;

- “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларининг кетма-кетлигини баҳолаш;

- ўқитилаётган “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларининг мазмунини аниқлаш;

---

<sup>17</sup> Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Қарори ПҚ-2909-сон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель

- “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларни ўқитишининг шакли, методлари ва воситаларини аниқлаш;

- ўқув материалларини ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида ўқувчининг фаолиятини ташкил этиш.

- Иқтисодий таҳлили фани 2- модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” таркибидаги мавзуларни ўқитишининг мақсади корхоналардамаҳсолотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари, корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши, улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари, асосий фондларнинг таркиби, ҳолати ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари, корхоналарни моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усулларини ўрганиш, самарадорлигини баҳолаш ва уни оширишнинг асосий йўлларини кўрсатишдан иборат.

“Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларни ўқитиши вазифалари эса янги педагогик методлар асосида модуль таркибидаги мавзуларни талабаларга тўғри, тушунарли қилиб етказиш.

### **Дарс мақсади:**

<b>1.</b>	<b>Таълимий:</b>	Давлат олий ва ўрта маҳсус таълим стандартлари талабларига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш мақсадида талабаларда корхоналарда иқтисодий таҳлилни олиб бориш тўғрисида билимларни такомиллаштириш ҳамда кўникмаларни ривожлантириш.
<b>2.</b>	<b>Ривожлантирувчи:</b>	Талабаларга корхоналарда маҳсолотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари, корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари, асосий фондларнинг

		таркиби, ҳолати ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари, корхоналарни моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усулларини ўрганишнинг корхоналарни ривожлантиришда аҳамиятини тушунтириш
3.	<b>Тарбиявий:</b>	Талабаларни Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабига жавоб бера оладиган, Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида ПҚ 2909-сонли қарорига асосан мустақил, соғлом фикрлаш қобилиятига эга бўлган етук мутахассис, маънавиятли комил инсон этиб тарбиялаш

#### **1.4. Мавзуни ўқитишида дастлабки тайёргарлик ва шарт-шароитлар таҳлили**

Ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотлар шарт-шароитини қуидаги 3 та таҳлил йўллари орқали аниқлаш мумкин:

-талабалар таҳлили; шарт-шароитлар таҳлили; маҳсус соҳа таҳлили.

##### **A) Талабалар таҳлили**

«Иқтисодий таҳлил» фанининг “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти қўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларнинг, яъни корхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усувлари, корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усувлари, асосий фондларнинг таркиби, ҳолати ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усувлари, корхоналарни моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усувлари мавзулари ҳисобланади . Унинг таркибидаги 1- мавзу “Корхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усувлари» Бухоро Иқтисодиёт ва банк коллежи молия йўналиши 41-Молия гуруҳида 2-босқичида маъruzга ва амалий дарсларида ўтилади. Дарс ўтиладиган гуруҳ таҳлил қилинганда қуидагилар аниқланди:

Гуруҳда 30 та талаба таҳсил олади. Гуруҳлардаги талабалардан ўғиллар 20 та , қизлар 10та . Талабалар ўртacha ёши 18 ёш. Талабалар мактаб, лицейларни тугатиб, ўрта маълумотга эга. Гуруҳлардаги талабалардан 16 киши рус тилини мукаммал билишади, 8 киши инглиз тилини мукаммал, қолганлари эса луғат ёрдамида билишади. Гуруҳдаги барча талабалар соғлом

Оилавий шароити: 1 талаба турмушга чиқкан, 1та талаба уйланган.

Талабалар бўш вақтларида турли тадбирларда иштирок этишади, китоб ўқиши, тил ўрганиш билан шуғулланади, комьютерда ишлашади, хунар ўрганади, дарсдан сўнг ишлайди, уйда ёрдам беради. Ушбу гуруҳ талабалари илмга чанқоқ, берилган топшириқларни ўз вақтида талаб даражасида бажаришади. Келажақда талабалар ўқитувчи, бошқарувчи, иқтисодчи, молиячи ва турли хунар эгаси бўлишни исташади. Умуман гуруҳлар етакчи гуруҳлардан ҳисобланади.

## **Б)Шарт-шароитлар таҳлили.**

Бу таҳлил машғулотларни олиб бориш учун зарур бўлган шароитларни ташкил этиш ва яратиш борасидаги муҳим маълумотларни ўз ичига олади.



1). Хуқуқий шарт-шароитларга йўналиш ўқув режаси, фан дастури, календарь режа, баҳолаш мезонлари ва гуруҳ журнали киради.

Фаннинг ўқув дастури давлат хужжати бўлиб, фандаги назарий ва амалий машғулотларнинг мазмуни, мажбурий ҳажми, кетма-кетлиги ва ҳар бир мавзу бўйича ажратилган соатларни аниқлайди. Ўқув дастурлар намунавий ва ишчи дастурларга бўлинади. Намунавий иш дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланади. Намунавий иш дастури асосида ҳар бир ўқув юртида ишчи ўқув дастурлари тайёрланади, у ўқув юртининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади. Ўқув режаси – бу давлат хужжати бўлиб, ўқув юртидаги ўқув ва тарбиявий жараёнининг мазмуни, ҳажми турлари кетма-кетлиги ва муддатларини кўрсатади. Календар режа – фан бўйича ўтиладиган мавзуларни режалаштириш ҳамда ўтилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Баҳолаш мезонида ўзлаштириш кўрсаткичлари аъло, яхши, қониқарли ва қониқарсиз баҳолар қандай ҳолатларда қўйилиши ва жорий, оралиқ, якуний назоратларда қандай баҳолар қўйилиши кераклиги кўрсатилади. Журнал талабалар тўғрисида маълумот беради ва жорий, оралиқ, якуний назорат баҳолари қўйилади, ўтилган дарс санаси белгиланади.

Мавзу намунавий дастурда ҳам, ишчи дастурда ҳам, календар режада ҳам белгиланади, баҳолаш мезони ҳам, журнал ҳам мавжуд бўлади.

2) Техник шарт-шароитларга техник мосламалар, ўқитиш ва ўрганиш воситалари, уларнинг яроқлилиги тушунилади.

Шу мавзу бўйича маъruzani ўtkaziш учун доска, iшга яроқли видеопроектор, компьютер мавжуд, аудитория электр токи билан таъминланган, ҳаво босими ва ҳарорати нормал ҳолатда.

3) Ташкилий шарт шароитлар деганда фан бўйича билим ва малака, кўнималарни эгаллаш учун дарс ўтиладиган синф хонасининг тайёрлиги тушунилади. Буларга қуйидагилар киради:

-Маъруза ўтиладиган ўқитиш жойи-ўқув хонаси тоза ва ёруғ, нормал ҳаво ҳароратида, стол ва стуллар етарли;

-Назарий дарс белгиланган режа, дарс жадвали ва белгиланган аудитория ва ўқув корпусида ўтказилади.

-ташкилий ҳужжатлардан календарь режа, дарс жадвали тасдиқланган.

## **В) Махсус соҳа таҳлили**

“Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзулардакорхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари, корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари, асосий фондларнинг таркиби, ҳолати ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари, корхоналарни моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усулларини ўрганиш, корхона хўжалик фаолиятига баҳо бериш йўллари баён қилинади.

Талабаларда ушбу мавзулар доирасида хўжалик фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида корхоналарнинг фаолиятига баҳо бериш, ички имкониятларни аниqlаш ҳамда уларни iшга солиш ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва самарадорлик кўрсаткичларини ошириш йўналишлари белгиланади.

## **1.5. “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзуларни ўқитиши жараёнида ўқув-дидактик материаллардан фойдаланиш**

Ўқув-дидактик материаллар деганда, ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчилар тушунилади.

Ўқув дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли визуал воситалардан, амалий машғулотларда курс материаллари, услугбий қўлланмалар, жадваллардан фойдаланилади.<sup>18</sup>

Ўқув дидактик материаллар сифатида қўланиладиган воситалар:

**Матнли воситалар:** ўқув дастури, адабиётлар, маъruzалар матни, амалий дарсларни ўтказиш бўйича услугбий қўлланма, тестлар, синов ва назорат варақалари, Инсерт, “Б.Б.Б.” техникаси бўйича жадвал, тарқатма материал.

**Тасвирли воситалар:** рамзий тасвирлар, фотосуратлар, чизма ва схемалар, символлар, режа-жадваллар, диаграмма ва графиклар, комъютерлар, проекторлар, вертуал стендлар, электрон дарслик ва қўлланмалар, слайдлар.

**Визуал воситалар:** видеофильмлар, фотосуратлар, расмлар, чизмалар, графиклар, овоз ва товушли аудио визуал воситалар.

Ўқув материаллари- ўқитувчи томонидан дарсни қўргазмали ўтказиш ва билим бериш учун қўланилади. Дидактик материаллар талабалар томонидан ўрганиш учун қўланилади ва ўқитувчи томонидан тайёрланади.<sup>19</sup>

Дарс ўтказиш пайтида амалий кўрсатмалар берилган қўйидаги воситалар қўлланилади:

<b>Тури</b>	<b>Ишлатиш учун кўрсатмалар</b>
Ўқув китоблари-маъruzалар матни	Фан бўйича ўқув қўлланма, маъruzalarни ўтказиш бўйича услугбий қўлланма
Тарқатма материаллар	Мавзуга оид тест намуналари нусхалари, топшириқлар, масала шартлари, кроссворд
Доска тасвирлари	Мавзу, режа, формула ва масалалар ечиш
Слайдлар	Мавзу, таянч иборалар, назорат саволлари, масала шарти, жадвал қўланиладиган формулалар, кроссворд

<sup>18</sup> А.Холбеков, О.Ахмедов Ф.Расулов, ва бошқалар. Ўқув жараёнига интерактив усулларни татбиқ этиш бўйича қўлланма: Услубий қўлланма /.-Т.: Академия, 2010.

<sup>19</sup> Олимов К.Т., Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиши методикаси. Касб-хунар колледжлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2012.

Мавзу ўтилганда компьютерларда тайёрланган ва видеопроекторлар орқали намойиш қилинадиган слайдлардан ҳамда мавзуга тегишли бўлган плакатлардан, тарқатма материаллардан кенг фойдаланилади.

Мавзуга оид адабиётлар фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

*Иқтисодий таҳлили фанини 2- модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариши фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” маркибидаги мавзулар бўйича таянч иборалар, назорат саволлари, тест топшириклари, масалалар, тасвирли воситалар*

### **1. Махсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуслари.**

#### **Таянч иборалар:**

Товар маҳсулот таҳлили. харакатдаги баҳо, солиштирма баҳо, Ассортимент, маҳсулот сифати, ўртача навлилик коэффициенти, ўртача тортилган баҳо, сотилган маҳсулот таҳлили.

#### **Назорат саволлари:**

1. Таҳлилнинг вазифалари нимадан иборат?
2. Товар маҳсулот деганда нима тушунилади?
3. Товар маҳсулот қандай баҳоларда ҳисобланади?
4. ТМнинг ўзгаришига баҳоларнинг таъсири қандай ҳисобланади?
5. Маҳсулот ассортименти қандай таҳлил қилинади?
6. Маҳсулот сифатини таҳлил қилишда қандай методикалар қўлланилади?
7. Ўртача навлик коэффициенти қандай аниқланади?
8. Ўртача навни ўртача тортилган баҳоси қандай кўрсаткич?
9. Сотилган маҳсулот қандай таҳлил қилинади?
10. Сотилган маҳсулот ҳажмига қандай омиллар таъсир қиласиади?

**Мавзуга оид тестлар:**

1.Омбордаги материалларнинг йил охиридаги қолдиғини аниқланг:

**Жадвал №20**

Күрсаткічлар		
1.	Йил бошидаги қолдик	450
2.	Сотиб олинган	370
3.	2-цехга берилган	180
4.	1- цехга берилган	30
5.	Асосий ишлаб чықаришга сарфланган	410
6.	Табиий камайиш меъёри	40

A) 260; B) 220; C) 200; D) 180;

2.Сотилган маҳсулот ҳажмини хисобланг:

**Жадвал №21**

Күрсаткічлар	Үтган йил	Хисобот йили
1. Ишлаб чықарылған товар маҳсулот, сўм	270	285
2. Омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғи, млн. сўм		
а) йил бошида	19	21
В) йил охирида	21	24
3. Инвентаризация натижасыда аниқланған маҳсулотларнинг камомади (-) ёки ортиқчалиғи	-2	+1
4. Сотилған маҳсулот	?	?

A) 264; 280; B) 266; 283; C) 264; 287; D) 264; 283;

3.Ассортимент режасининг бажарилишини аниқланг:(млн. сўм)

**Жадвал №22**

Маҳсулот турлари	Режа	Ҳақиқатда	Ассортимент режасини бажариш
1	2	3	4
А	189	179	?
Б	91	93	?
В	82	80	?
Г	62	65	?
<b>Жами:</b>	<b>424</b>	<b>417</b>	<b>?</b>

A) 98,1; B) 98,3; C) 97,1; D) 96,2;

**4.** Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи меҳнат омилларини белгиланг:

А) ишчилар сони ва ишланган киши- кунлар сонининг ўзгариши;

Б) ишчилар сони ва ишланган киши - куни ва киши - соатларининг ўзгариши;

С) ишчилар сони ва ишланган киши - соатларининг ўзгариши;

Д) ишчилар сони ва меҳнат унумдорлиги.

### **Мавзуга оид масалалар**

#### **1-масала.**

Жадвалдаги маълумотлар асосида қуийдагиларни хисобланг:

А) Ҳисбот йилида товар маҳсулотнинг ўтган ва режага нисбатан ўзгаришига баҳо беринг.

Б) Товар маҳсулотнинг ўзгаришига улгуржи баҳоларнинг таъсирини аниқланг

**Жадвал №23**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисбот йили</b>		<b>Режага нисбатан ўсиши %</b>	<b>Ўтган йилга нисбатан ўсиши %</b>
		<b>режа</b>	<b>амал</b>		
Товар маҳсулот солиштирма баҳода (млн. сўм)	14578	18215	17371		
Товар маҳсулот : -режада қабул қилинган баҳоларда -ҳаракатдаги баҳоларда	X X	18244 X	17430,9 18191,27	X	X

## 2-масала.

### Маҳсулот ассортименти таҳлили

Жадвал №24

Маҳсулот турлари	Товар маҳсулот ҳажми м.сўм.			Ассортимент бўйича режа баж хис.учун
	режа	амал	ўсиш даражаси	
А) сут ва сут маҳсулотлари	30256,0	27125		
Б) пишлок ва бринза	26540	24531		
В) мол ёғи	61452	57564		
Г) музқаймоқ	86205,0	46313		
Жами	204453,0	155533		

Юқоридаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

- Маҳсулот турлари бўйича режа бажарилишини аниқланг.
- Маҳсулот ассортименти бўйича режа бажарилишига баҳо беринг.

## 3-Масала.

### Маҳсулот сифатининг таҳлили

Жадвал №25

Маҳсулот нави	Улгуржи баҳоси м.сўм.	Ўтган йил		Ҳисобот йил		Фарки, мингсў м.
		тонна	минг с.	тонна	минг с.	
1. Олий навли ун	150	256		310		
2. 1-навли ун	120	450		480		
3. 2-навли ун	90	58		65		
Жами:						

Жадвалда берилган маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг:

- Ўтган ва ҳисобот йил учун товар маҳсулот ҳажмини;
- Ҳисобот йилида товар маҳсулот ҳажмига маҳсулот сифатининг таъсирини.

#### 4-Масала

#### Сотилган маҳсулот таҳлили

Жадвал №26

Кўрсатгичлар	2015 йил	2016йил	фарқи
Омбордаги тайёр маҳсулотнинг йил бошидаги қолдиги млн. сўм.	12,1	27,906	
Юклаб юборилган пули тўланмаган товар маҳсулотнинг йил бошидаги қолдиги млн.сўм.	1 010,98	1000,497	
Товар маҳсулот млн.сўм	9104,93	13248	
Омбордаги тайёр маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиги млн. сўм.	27,906	34,543	
Юклаб юборилган пули тўланмаган товар маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиги млн.сўм.	1000,5	272,86	
Сотилган маҳсулот млн.сўм.			

Жадвалдаги маълумотлар асосида қўйидагиларни ҳисобланг:

- Хисобот йили ва ўтган йиллар учун сотилган маҳсулот ҳажмини.
- Сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилган омилларни.

#### 2- Мавзу. Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усувлари

##### Таянч иборалар:

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлилнинг манбалари,ходимлар,ходимлар билан таъминланиш таҳлили. Иш кучи бўйича мутлоқ фарқ. Иш кучи бўйича нисбий фарқ. Иш вақтидан фойдаланишнинг таҳлили. Меҳнат унумдорлиги таҳлили. Меҳнат унумдорлигига таъсир килучи омиллар. Иш ҳақи фондидан фойдаланишнинг таҳлили.

##### Назорат саволлари:

- Меҳнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш таҳлилиниң вазифалари қайсилар?
- Иш вақтидан фойдаланишга қандай омиллар таъсир этади?
- Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни айтинг.
- Иш ҳақи фондининг мутлоқ ва нисбий фарқини қандай аниqlашади?

## **Мавзуга оид тестлар**

### **1. Мехнат кўрсаткичларига қандай кўрсаткичлар киради:**

- А) ходимлар таркибининг тузилиши;
- Б) меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи фонди, ходимлар сони;
- С) ишчиларнинг асосий иш ҳақи;
- Д) жами ходимлар таркибида ишчилар сонининг тутган улуши.

### **2. Иш вақти фондидан фойдаланишини ифодаловчи кўрсаткичлар:**

- А) ишчиларнинг нисбий фарқи;
- Б) меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси;
- С) иш кунинг давомийлиги, жами ишланган киши-кун ва соатлар;
- Д) ишчиларнинг ишлаган жами киши-кунлари;

### **3. Бир киши- кунининг унумдорлигини таҳлил қилишида ҳисобланадиган қиймат кўрсаткич:**

- А) товар маҳсулоти / ишчилар сони;
- Б) товар маҳсулоти / киши соат;
- С) товар маҳсулоти / киши кунлар;
- Д) товар маҳсулоти / бошқарув ходимлар сони;

## **Мавзуга оид масалалар:**

### **1-Масала.**

Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

1. Ишчилар сони бўйича мутлоқ ва нисбий фарқни.
2. Корхонанинг ишкучи билан таъминланишига баҳо беринг.

**Жадвал №27**

<b>Ишловчилар тоифаси</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йили</b>	<b>Фарқи</b>	<b>Ўсиш даражаси, %</b>
Солиштирма баҳоларда ТМ млн. сўм	11184,28	12869,77		
СИЧХ ўртача йиллик сони, киши	514	515		
Шу жумладан:- ишчилар	445	444		
муҳандис- техник ходимлар	45	45		
хизматчилар	12	13		
кичик хизматчи ходимлар	4	4		
шогирдлар	2	3		
қўриқчилар	6	6		

**2-Масала.** Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

1.Ишга қабул қилиш, бўшатиш бўйича айланиш коэффициентларини ва қўнимсизлик коэффициентини.

2.Корхонада иш кучи ҳаракатига баҳо беринг.

**Жадвал №28**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи	Ўсиш даражаси, %
Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши	460	457		
Ишга қабул қилинди	28	25		
Ишдан бўшатилди шу жумладан:	27	26		
бошқа бўлим ваташкилотларга ўтказилди	4	4		
армияга чақирилди,пенсияга чиқарилиди ва шунга ўхшаш сабабларга асосан	5	2		
ўз хоҳишига кўра	8	9		
меҳнат интизомини бузгани учун	10	11		
Айланиш коэффициентлари:				
-қабул қилиш бўйича				
-ишдан бўшатиш бўйича				
-қўнимсизлик коэффициенти				

**3-Масала.**Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

1.Ишчиларнинг ўртача соатлик, кунлик ва йиллик иш унуми.

2.СИЧХ ўртача йиллик иш унуми.

3. Иш вақти фондидан фойдаланишни таҳлил қилинг.

4. СИЧХнинг йиллик меҳнат унумдорлигига таъсир қилган омилларни аниқланг.

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йил	Жорий йил	Фарқи	Ўсиш даражаси, %
Товар маҳсулот солиштирма баҳоларда (млн.сўм)	9967,2	7653,6		
СИЧХ нинг ўртача сони	521	587		
Ишчиларнинг ўртача сони	482	523		
Ишчиларнинг солиштирма вазни, %	92,5	89,1		
Ишчилар томонидан жами ишлаган киши-кунлар	130140,0	130906,9		
Ишчилар томонидан жами ишлаган киши-соатлар	976050	1034165		
Иш куни давомийлиги				
Бир СИЧХга тўғри келувчи иш унуми м.с.				
Бир ишчи томонидан 1 йилда ишланган кунлар				
Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми м.с.				
Бир ишчига тўғри ўртача кунлик иш унуми				
Бир ишчига тўғри ўртача соатлик иш унуми				

### **3- Мавзу. Асосий фондларнинг таркиби, ҳолати ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.**

#### **Таянч иборалар:**

Асосий фонdlар. Асосий фонdlар таҳлилиниг вазифаси. Асосий ишлаб чиқариш фонdlарнинг таркиби, АФ тузилиши таҳлили. АФ ҳаракати , Асосий фонdlарнинг янгилашчиқиб кетиш ва эскириш коэффициентлари, фонд самараси, фонд сиғими

#### **Назорат саволлари:**

1. Асосий фонdlар нима?
2. АФнинг таркибига нималар киради?
3. АФлар тузилиши деганда нима тушунилади?
4. АФларнинг актив ва пассив қисмлари қандай фарқланади?

5. Янгиланиш коэффициенти қандай ҳисобланади?

6. Эскириш коэффициенти қандай ҳисобланади?

7. Фонд самараси қандай ҳисобланади?

### **Мавзуга оид тестлар**

**1. Асосий фондларнинг техник ҳолатини таҳлил қилишида ҳисобланиладиган кўрсаткичларни белгиланг:**

- A) яроқлилик ва эскириш даражаси;
- B) янгиланиш, эскириш ва яроқлилик даражаси;
- C) эскириш ва янгиланиш даражаси;
- D) яроқлилик ва янгиланиш даражаси;

**2. Асосий фондлардан самарали фойдаланиши даражасини таҳлил қилинг:**

**Жадвал №30**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йили</b>
1. Товар маҳсулоти, млн. сўм	3300	3000
2. Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати, млн. сўм	1950	2200
3. Фонд самараси	?	?

Маҳсулот ишлаб чиқариш ўзгаришига фонд самарасининг таъсири: A) 723,0; B) 823; C) -623; D) 721,6;

**3. Фонд сигимини аниқлаб, маълумотларни таҳлил қилинг:**

**Жадвал №31**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йили</b>
1. Асосий воситалар қиймати, минг сўм	5100	5500
2. Маҳсулот қиймати, минг сўм	15300	17600
3. Фонд сигими, тийин	?	?

A) 0,32:0,31; B) 0,33:031; C) 0,33:0,30; D) 0,32:0,30;

**4. Асосий воситалар қандай гурӯхларга бўлинади?**

- A) актив ва пассив асосий воситаларга;
- B) пассив асосий воситаларга;

C) саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларга;

D) корхона ихтиёридаги асосий воситаларга;

### **Мавзуга оид масалалар:**

**1-Масала.** Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

A). Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати.

B). Асосий фондларнинг янгиланиш ва олиб ташлаш коэффициентларини.

**Жадвал №32**

Асосий фондлар	Йил бошида		Ўрнатилди	Олиб ташланди	Йил охирида		Фарқи %	
	м.сўм	%			м.сўм	%	М.сўм	%
Саноат ИЧФ	32500,2	88,2	4623,3	250				
Ишлаб чиқаришдан ташқари АФ	4337,617	11,8	395,749	12				
<b>Жами</b>	<b>36837,82</b>	<b>100,0</b>	<b>5019,049</b>	<b>262</b>				

**2-Масала.** Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

A). Асосий фондларнинг эскириш қийматини.

B). Асосий фондларнинг эскириш коэффициентини.

B). Асосий фондларнинг техник ҳолатига баҳо беринг.

**Жадвал №33**

Асосий фондлар	йил бошида				йил охирида			
	Баланс қиймати	Колдик қиймати	Эскириш қиймати	Эскириш даражаси %	Баланс қиймати	Колдик қиймати	Эскириш қиймати	Эскириш даражаси %
Саноат ИЧФ	1263,82	687,3			1604,8	858,3		
Ишлаб чиқаришдан ташқари АФ	123	85,2			124,2	87,2		
<b>Жами.</b>	<b>1386,82</b>	<b>772,5</b>			<b>1729,0</b>	<b>945,5</b>		

**3-Масала.** Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

A). Асосий фондлар ва машина ва дастгоҳларнинг фонд самарасини ҳисобланг.

B). Товар маҳсулот ҳажмига асосий фондларнинг ва фонд самарасининг таъсирини ҳисобланг.

**Жадвал №34**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йили</b>	<b>Фарқи</b>	<b>Ўсиш даражаси, %</b>
Товар махсулот млн. сўм	3129,0	3896,3		
Асосий фондларнинг ўртacha йиллик қиймати млн. сўм	1095,2	1335,8		
Машина ва дастгоҳлар	446,7	694,2		
Асосий фондларнинг фонд самараси				
Машина ва дастгоҳларнинг самараси, сўм				

**4- Мавзу. Корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланишини  
ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усувлари.**

**Таянч иборалар:**

Моддий ресурслар, моддий харажатлар, моддий харажатлар таркиби, материал, материал сифими.

**Назорат саволлари:**

1. Моддий ресурслар нима?
2. Моддий ресурсларга нималар киради?
3. Моддий ресурслар ва харажатлар қандай фарқланади?
4. Моддий ресурслардан фойдаланишнинг қандай кўрсаткичларини биласиз?
5. Материал сифими қандай ҳисобланади?

**Мавзуга оид тестлар**

**1. Баҳо ва меъёр ўзгаришининг материал харажатлар қийматига  
таъсирини таҳлил қилинг:**

**Жадвал №35**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Режа</b>	<b>Ҳақиқат да</b>	<b>Фарқ и</b>
1. Материал миқдори, кг	30	25	-5
2. 1 кг.материалнинг баҳоси, сўм	4,5	5	+0,5
3. Сумма, сўм	135	125	-10

Меъёр ўзгаришининг таъсiri: A) -5;      B) -4,5;      C) -20; D) -22,5;

**2. Материаллар қийматини таҳлил қилинг, ( минг сўм).**

**Жадвал №36**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Хисобот йили</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишида соғ тушум	9790	10670
2. Материаллар сарфи	2140	2730
3. Материаллар қиймати	?	?

A) 4,575: 3,908; B) 4,574:3,914; C) 4,574:3,911; D) 4,576:3,909;

**3. Материаллардан самарали фойдаланиши дараҷасини таҳлил қилинг:**

**Жадвал №37**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Хисобот йили</b>
1. Товар маҳсулот, млн. сўм	3300	3000
2. Материал сарфлар, млн. сўм	1870	2400
3. Материал сифими	?	?

A) 0,59; 0,8. B) 0,60: 10; C) 0,54; 0,7; D) 0,57; 0,8;

**4. Материал харажатларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг**

**Жадвал №38**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Хисобот йили</b>
1. 1 тонна мой ишлаб чиқариш учун сарфланган чигит, тонна	5,45	5,65
2. 1 тонна чигитнинг баҳоси, минг сўм	110,0	120,0
3. Жами чигит сарфи, минг сўм	?	?

A) 599,5:680; B) 599,5:678; C) 600,5:683; D) 600:670;

## Мавзуга оид масалалар:

**1-Масала.** Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

А). 1 тонна тайёр маҳсулотга сарфланадиган хом-ашё харажатларини.

Б). 1 тонна тайёр маҳсулот харажатларига хом-ашё сарфи ва унинг баҳоси ўзгаришининг таъсирини ҳисобланг.

**Жадвал №39**

Кўрсаткичлар	Режа	Амал	Фарқи
1 тонна тайёр маҳсулотга сарфланадиган хом-ашё, кг.	2500	2560	
1 тонна хом-ашёнинг баҳоси, минг сўм	225	232	
1 тонна тайёр маҳсулотга сарфланадиган хом-ашё харажатлари минг сўм.			

**2-Масала.** Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

А). Ўтган ва жорий йил учун материал сифимини.

Б). Моддий ресурслардан фойдаланишга баҳоберинг.

**Жадвал №40**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи	Ўсиш даражаси, %
Товар маҳсулот, млн. сўм	12300	15200		
Моддий харажатлар, млн. сўм	8400	8620		
Шу жумладан:				
Хом-ашё ва материаллар	5900	5970		
ёрдамчи материаллар	450	520		
ёқилғи	850	900		
энергия	1200	1230		
Материал сифими, тийин				

**3-Масала.** Жадвалдаги маълумотлар асосида қуидагиларни ҳисобланг.

А). Ўтган ва жорий йил учун айланниш коэффициентини ва тезлигини.

Б). Айланма активлардан фойдаланишга баҳо беринг.

## Жадвал №41

Т\р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Хисобот йили	Фарқи
1.	Сотилган маҳсулот, м.сўм	127758	74545	
2.	Айланма активларнинг ўртача йиллик қолдиғи	17653	13636	
3.	Айланиш коэффициенти			
	Айланиш тезлиги, кун			

**3) “Иқтисодий таҳлил” фанининг “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” модулига оид кўргазмали воситалар**


**1-илова**

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини ўлчов бирликлари:

- қиймат (улгуржи баҳо);
- натура (дона, метр, тонна ва х.к.);
- шартли-натура (тонна-километр, шартли еқилғи тонна ва х.к.);
- меҳнат (меҳнат сарфи норма-соатда).

**2-илова**

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили



Омиллар таъсирининг хисоб-киотоби ва ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини ошириш резервларини аниқлаш

*З-чизма. Ишлаб чиқариши ва маҳсулот сотии таҳлилиниң натижалари ва уни комплекс баҳолаши тизими.*

Маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг қуидаги кўрсат-кичлари аниқланмоғи лозим:

– ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ўтган йилдагиси билан таққослаш орқали ўзгариш тезлигининг ўсиши мутлақ суммада қуидагича аниқланади.

$$\Delta N = N_1^T - N_0^T \quad (\text{бунда } T \text{- товар маҳсулоти})$$

– ўрганилаётган давр бўйича маҳсулотнинг умумий ўсиш суръати:

$$\Delta N^T = \sum_{i=1}^n = \Delta N_i^T;$$

Бунда:  $n$  – маҳсулот ҳажми динамикасининг даврлари (йиллар)

– маҳсулотнинг умумий ўсиш кўрсаткичини ўрганилаётган даврлар сонига бўлиш орқали мутлақ ўртага йиллик ўсиш аниқланади.

$$\Delta N_{\text{юи}} = \frac{1}{\Pi} \sum_{i=1}^n \Delta N_i^T ;$$

– маҳсулот ҳажмининг ўсиши ( $K_N$ ) (индекс динамикаси) ва ўсиш суръати ( $\Delta K_N$ ) ( занжирли индекс)лари ўрганилаётган даврлардаги ишлаб чиқариш ҳажмининг интенсивлигини қуидагича аниқлаш мумкин.

$$K_N = \frac{N_1}{N_0}; \quad K_N = \frac{N_1}{N_0} - 1$$

Энг кичик усул орқали ассортимент режасининг бажарилиши ҳар бир маҳсулот турининг режа ва ҳақиқий кўрсаткичларидан энг кичиги олиниб, уларнинг йифиндиси режа бўйича жами маҳсулот ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

$$K_{ac} = \frac{N_{ac}}{N_p},$$

бунда:  $K_{ac}$  – маҳсулот ассортиментининг бажарилиши коэффи-циентда;

$N_{ac}$  – ассортиментга қабул қилинган маҳсулот;

$N_p$  – жами режадаги маҳсулот қиймати.

Маҳсулот структураси – айрим маҳсулот турларининг жами ишлаб чиқаришда тутган улушкидир.

*Маромийлик коэффициенти* маром ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотни ( $N_X$ ) жами режа бўйича маҳсулот ( $N_P$ ) ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

$$K_{\text{маром}} = \frac{N_X}{N_P};$$


## 5-илова



*6-чизма. Маҳсулот ишлаб чиқарии ва сотии ҳажмларини ошириши резервларини манбаи.*

## 2-мавзу. Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.

### Мавзуси бўйича тасвирилди воситалар



7-чизма. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиши таҳлили.

## 8-илова

Ииши кучи ҳаракатини қўйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

– ишчиларни ишга қабул қилиш обороти коэффициенти:

$$k_{ki} = \frac{\text{Иига қабул қилинган ишчилар сони}}{\text{Иичиларни рўйхат бўйича ўртacha сони}};$$

– ишдан бўшатиш обороти коэффициенти:

$$k_{ik} = \frac{\text{Ишдан бўшаган ишчилар сони}}{\text{Иичиларни рўйхат бўйича ўртacha сони}};$$

– қўнимсизлик коэффициенти:

Ўзаризасига мувофи ва меённат интизомини  
 $k_k = \frac{\text{бузганилиги учун ишдан кетган ишчилар}}{\text{Иичиларни рўйхат бўйича ўртacha сони}}$ ;

## 9-илова

Ишчиларнинг иш вақти фонди (ИВФ) ишчилар сони (Ис), бир ишчининг йил давомида ишлаган кунлари (К) ва иш куни давомийлиги (Д) нинг кўпайтмасидан ҳосил бўлади.

$$\text{ИВФ} = \text{Ис} \cdot \text{К} \cdot \text{Д}$$

## 10-илова

1-Т “Меҳнат ҳисоботи” шакли маълумотлари асосида бир ишчини йил давомида ишлаган кунлари, иш кунининг давомийлиги қўйидагича аниқланади.

$$K = \frac{\text{Жами ишчиларнинг ишлаган кишии – кунлари}}{\text{Иичиларнинг рўйхат бўйича ўртacha сони}}$$

$$D = \frac{\text{Жами ишчиларнинг ишлаган кишии – соатлари}}{\text{Жами ишчиларнинг ишлаган кишии – кунлари}}$$

Меҳнат унумдорлигининг ўлчов бирликлари:

– қиймат, натура ва меҳнат

а) қиймат шакли  $My = \frac{Q}{x}$ ,

Бунда  $My$  – меҳнат унумдорлиги (бир ходимга тўғри келадиган ўртacha маҳсулот);


$Q$  – ишлаб чиқарилган маҳсулот солиштирма улгуржи баҳода;  
 $X$  – ходимларнинг рўйхат бўйича ўртacha сони.

б) натура шакли  $My = \frac{Q \text{ тонна, кг, м, ...}}{x}$ ,

в) меҳнат шакли  $My = \frac{T}{Q}$ ,

$T$  – маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт (киши-кун, киши-соат);

$Q$  – маҳсулот микдори (дона, кг, ва х.к.)



12-чизма. Меҳнат унумдорлигининг омилли тизими

### **3- мавзу. Асосий фондларнинг таркибини, ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари бўйича тасвирил воситалар**

**13-илова**

*Асосий воситалар ҳаракатининг таҳлили кўрсаткичларни:*

- ишга тушириш коэффициенти;
- янгиланиш коэффициенти;
- чиқиб кетиш коэффициенти;
- тугатиш коэффициенти;
- машина ва жиҳозлар паркини кенгайтиришкоэффициенти

**14-илова**

*Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари.*

Умумий кўрсаткичлар:

- 1) фонд рентабеллиги;
- 2) фонд қайтими;
- 3) фонд сигими;
- 4) асосий ишлаб чиқариш фондларидан нисбий иқтисод.

**15-илова**

*Асосий ишлаб чиқариш фондларини ҳар сўмига тўғри келадиган фойда миқдори  
(фонд рентабеллиги)*

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда

Фонд рентабеллиги = -----

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача  
йиллик қиймати

Фонд қайтими ( $\Phi_k$ ) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар сўми (100, 1000 сўми)га тўғри келадиган маҳсулот ( $Q$ ) ҳажмини ифодалайди.

$$\Phi_k = \frac{Q}{A_\phi}$$

Фонд сигими ( $\Phi_c$ ) фонд қайтимининг аксиdir.  $\Phi_c$  – маҳсулот қийматининг ҳар сўми (100, 1000)га тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондларини ифодалайди.

$$\Phi_c = \frac{A_\phi}{Q}$$


Асосий ишлаб чиқариш фондларидан нисбий иқтисод (ортиқча сарф):

$$\mathcal{E}_{nus} (A_\phi) = (\Phi_c^1 - \Phi_c^0) * Q'$$

Бунда:  $A_\phi$  – асосий ишлаб чиқариш фондлари;

$\Phi_c^1, \Phi_c^0$  – ҳисобот даври, базис даврларининг фонд сигими;

$\frac{A_\phi^1 - A_\phi^0}{A_\phi^0} \cdot 100\%$  – ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.



*16- чизма. Фонд қайтимига таъсир этувчи омиллар*

**4- мавзуу *Корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишини таҳлил қилиши усуллари. Бүйича тасвирли воситалар***


***17-илюва***

*Материал қайтими ( $M_k$ )* ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ( $Q$ ) материаллар харажатига бўлиш орқали аниқланади.

$$M_k = \frac{Q}{M_x}$$

*Материал сизими ( $M_c$ )* материал қайтимининг акси бўлиб, материаллар харажатини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади.

$$M_c = \frac{M_x}{Q}$$



*18-чизма. Материал сизимининг омилли таҳлилиининг тузилиши.*

**1.6. “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили” модули таркибидаги мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотларнинг таълим технологияси ва технологик харитаси**

**1-мавзу. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усулларини ўқитишда «Ақлий ҳужум» услубининг қўлланилиши.**

**Маъruzani ўқитиш технологияси**

Талабалар сони: 30	2 соат.
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Тематик ахборот маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Товар маҳсулот режа бажарилиши таҳлили. 2. Маҳсулот ассортименти ва сифати таҳлили 3. Сотилган маҳсулот таҳлили
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Кохоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, унинг кўрсаткичлари, таҳлил қилишнинг вазифалари ва маҳсулот ассортименти ва сифатини таҳлил қилиш бўйича билимларини мустахкамлаш ва чукурлаштириш.
<i>Педагогик вазифалари:</i> <ul style="list-style-type: none"><li>• Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини таҳлил қилишнинг асосий вазифаларини ёритиб беради.</li><li>• Маҳсулот иишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини баҳоловчи асосий кўрсаткичларни тушунтириб ўтади.</li><li>• Товар маҳсулот ҳажмини таҳлил қилишни кўрсатади ва тушунтиради.</li><li>• Маҳсулот ассортименти бўйича режа бажарилишини ва сифатини таҳлил қилишни тушунтиради ва кўрсатади..</li><li>• Сотилган маҳсулот ҳажмини ва унга таъсир қилган омилларни таҳлил қилишни тушунтиради.</li></ul>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i> <ul style="list-style-type: none"><li>• Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини таҳлил қилишнинг асосий вазифаларини ёзиб олади.</li><li>• Маҳсулот иишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини баҳоловчи асосий кўрсаткичларни ёзиб олади.</li><li>• Товар маҳсулот ҳажмини таҳлил қилишни ўрганиб олади.</li><li>• Маҳсулот ассортименти бўйича режа бажарилишини таҳлил қилишни ёзиб олади.</li><li>• Маҳсулот сифатини таҳлил қилишни билиб оладилар.</li><li>• Сотилган маҳсулот бўйича режа бажарилишини таҳлил қилишни ўрганиб оладилар.</li></ul>
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, Ақлий ҳужум,блиц-сурор усуллари, Т-схема;
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер технологияси, эксперт вараклари, графиклардан фойдаланиш.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	«Жамоа булиб ишлаш», тўғри йўналтирилган ва гурухларда ишлаш усуллари.
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, Ўқитиш усулларини куллаш мумкин бўлган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назоарт, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

## Маърузани технологик картаси

Иш жараёнлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1 босқич Кириш. (10 мин.)</b>	<p>1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, Ўқув машғулотининг максади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади</p> <p>1.3. Ҳар бир талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади. (1,2 илова).</p> <p>1.4. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч ибораларини ва маъруза режасига изоҳ беради.</p>	<p>1.1. Эшитадилар, ёзадилар</p> <p>1.2. Эшитадилар, ёзид оладилар</p> <p>1.3. ЎУМга карайдилар</p> <p>1.4. Эшитадилар</p>
<b>2 босқич Асосий. (60 мин.)</b>	<p>2.1. Қуидаги “Ақлий ҳужум” саволларига ўйлаб жавоб беришларини сўрайди. Талабаларга эркин фикр айтишга рухсат берилади ва уларни рағбатлантиради: (3-5 илова).</p> <p>-Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилишдан асосий мақсад нима?</p> <p>- Товар маҳсулот қандай ҳисобланади ва унга қандай омиллар таъсир қилади?</p> <p>- Товар маҳсулот бўйичарежа бажарилиши қандай ҳисобланади?</p> <p>-Маҳсулот ассортименти бўйича режа бажарилиши қандай ҳисобланади?</p> <p><b>2.2.</b> Товар маҳсулот бўйича режа бажарилиши таҳлили слайд ёрдамида тушунтирилади. (2-илова)</p> <p>2.3. Маҳсулот ассортименти бўйича режа бажарилиши таҳлили слайд ёрдамида тушунтирилади.</p> <p>2.4. Маҳсулот сифати нав коэффициентлари орқали таҳлил қилиш слайд материаллари ёрдамида тушунтирилади.</p> <p>2.5. Маҳсулот сифатини ўртача тортилган баҳо орқали таҳлил қилиш слайд материаллари ёрдамида тушунтирилади.</p> <p>2.6. Сотилган маҳсулот ҳажмини таҳлили қилиш слайд материаллари ёрдамида тушунтирилади.</p> <p>2.5. Маслаҳатчи сифатида қатнашади изоҳ беради, аниқлаштиради ва ўзгартишлар киритади.</p> <p>2.6. Талабаларнинг эътиборини ушбу мавзудаги масаланинг мазмунига қаратади.</p>	<p>2.1. Саволларга жавоб беришадилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар ва муносабат билдирадилар</p> <p>23. Фикрларини айтиб берадилар</p> <p>2.4. Тақдимотда қатнашадилар</p> <p>2.5. Хулоса қисмида қатнашадилар</p>

<b>3 босқич Якуний босқич (10 мин.)</b>	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.</p> <p>3.2. Гурухларга ўзаро баҳолаш натижасини эълон қилишларини сурайди. Натижаларга изоҳ беради.</p> <p>3.3. Мустақил бажариш учун топшириқ беради:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова)</li> <li>2. Навбатдаги амалий машғулотда кўриладиган масалани эълон қиласди ва мустақил тайергарлик кўришларини сўрайди: берилган руйхат бўйича тавсия қилинган адабиетларни ўрганиш.</li> </ol>	<p>3.1. Гурухлар ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилишади.</p> <p>3.2. Эшитадилар.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун топшириқни ёзиб олишади.</p>
---	---	--

## **1. Мавзу. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуслари.**

### **Амалий машғулотни ўқитиш технологияси**

<b>Талабалар сони: 25 та</b>	<b>2 соат.</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	<b>Амалий машғулот</b>
<i>Машғулот режасаси.</i>	<p>1. Товар маҳсулот режа бажарилиши таҳлили.</p> <p>2. Маҳсулот ассортименти таҳлилии</p> <p>3. Маҳсулот сифати кўрсаткичлари ва уни таҳлил қилиш йўллари.</p> <p>4. Маҳсулот сотиш ҳажмини ҳисоблаш ва унга таъсир қилувчи омиллар.</p>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b>	Товар маҳсулот, сотилган маҳсулот ҳажми, унинг таҳлили, маҳсулот ассортименти ва сифатитаҳлили тўғрисидаги билимларини мустахкалаш ва чуқурлаштириш..
<i>Педагогик вазифалари:</i>	<p><b>Ўқув фаолияти натижаси:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Корхоналарнинг маҳсулот ҳажми қиймат кўрсаткичларини ёритиб бера оллади.</li> <li>• Товар маҳсулот ҳажмини таҳлил қилишни кўрсатиб бера олади.</li> <li>• Маҳсулот ассортименти ва сифати кўрсаткичлари таҳлили</li> <li>• Сотилган маҳсулот ҳажмини таҳлил қилишни кўрсатиб бера олади.</li> </ul>
<i>Мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради</i>	Маъруза матни, амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий қўлланма, дарслик, компьютер технологияси, эксперт вараклари, графиклардан фойдаланиш.
<i>Ўқитиши воситалари ва техника</i>	

<i>Ўқитиши усуллари</i>	Амалий машғулот, бир-биридан ўрганиш усули;
<i>Ўқитиши шакллари</i>	Гурухларда ва «жамоа булиб ишлаш» усули.
<i>Ўқитиши шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, гурухларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назоарт, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

### **Амалий машғулотни ўқитиш технологик картаси**

Иш жараёнлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш. (10 мин.)	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мазусини, максадини, ўtkазиш тартибини ва натижасини эълон қилади.</p> <p>1.2. “Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми таҳлили” мавзуси бўйича савол-жавоб ўтказади. (1-илова)</p>	<p>1.1. Эшитадилар, ёзадилар</p> <p>1.2. Савол-жавобда қатнашадилар</p>
2-босқич Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Талабаларга мавзу бўйича берилган докладларни тақдимоти.</p> <p>Мавзулар:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичлари нималар киради?</li> <li>Товар, сотилган, ялпи ва соф маҳсулот орасидаги фарқларни тушунтириб беринг?</li> <li>Товар маҳсулот қандай таҳлил қилинади?</li> <li>Махсулот ассортименти бўйича режа бажарилиши қандай таҳлил қилинади?</li> </ol>	<p>2.1. Талабаларни тайёрлаб келган доклади тингланади берилган масаларни ечилиши, текширилади ва муносабат билдирилади.</p>
3-босқич Якуний босқич (10 мин.)	<p>3.1. Мавзуда қўйилган саволлар ва уларни ҳал қилинганилиги бўйича Ўқитувчи якун ясади (хулоса қилади).</p> <p>3.2. Келгуси мавзу эълон қилинади ва унга тайёргарлик кўриш учун мустақил ишлаш лозимлиги тушунтирилади.</p> <p>3.3. Мавзуни қандай ўзлаштирилганлигини билиш мақсадида тест-назоратини ўтказади. (2-илова)</p>	<p>3.1. Эшитишадилар ва ёзиб олишади</p> <p>3.2. Мустақил иш мавзу вамасалаларини ёзиболадилар</p> <p>3.3. Тест назорати саволларига жавоб беришадилар</p>

**2-мавзу. Мехнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича режа бажарилиши таҳлили**

**Маъruzani“Гурухий ишлаш методи” асосида ўқитиш технологияси**

Талабалар сони: 30	2 соат
<i>Машғулотининг шакли</i>	Ахборот-кўргазмали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. Корхонанинг иш кучи билан таъминланганлигининг таҳлили.</p> <p>2. Мехнат унумдорлиги таҳлили</p> <p>3. Иш вақтидан оқилона фойдаланишни таҳлил қилиш.</p> <p>4. Иш ҳақи фондидан фойдаланишни таҳлил қилиш.</p>
<i>Машғулотнинг мақсади</i>	Мехнат, меҳнат унумдорлиги, ишвақтидан ва иш ҳақи фондидан фойдаланишни таҳлил усуллари ва аҳамияти тўғрисида умумий билимни чукурлаштириш.
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <i>Педагогик вазифалари:</i></li> <li>• Корхонанинг иш кучи билан таъминланганлигининг таҳлили кўрсатиб берилади.</li> <li>• Мехнат унумдорлиги таҳлили кўрсатиб берилади.</li> <li>• Иш вақтидан оқилона фойдаланишни таҳлил жадвал ёрдамида берилади.</li> <li>• Иш ҳақи фондидан фойдаланишни таҳлил корхона маълумотлари асосида ёритиб берилади</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Корхонанинг иш кучи билан таъминланганлигининг таҳлили ўрганилади</li> <li>• Мехнат унумдорлиги таҳлил қилиш ўрганилади.</li> <li>• Иш вақтидан оқилона фойдаланишни таҳлил қилиш ўрганиб олинади.</li> <li>• Иш ҳақи фондидан фойдаланишни таҳлил қилиш ўрганиб олинади.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, Гурухий ишлаш, дискуссия усули;
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, таркатма материаллар, слайдлар, проектор, диаграмма ва графиклар.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гурухларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Маъруза укиш учун керакли техник воситалар билан таъминланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назоарт, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

## Маързанинг технологик картаси

Иш жараёнлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-боскич. Кириш (10 мин.)</b>	<p>1.1.Марузанинг мавзусини эълон қиласи, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2.Ҳар бир талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади.</p> <p>1.3.Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч иборалари ва маъруза режасига изоҳ беради.</p>	<p>1.1.Эшитиб ёзиб оладилар</p> <p>1.2.УУМга қарашадилар</p> <p>1.3.Изоҳ беришадилар</p>
<b>2-боскич. Асосий (60 мин.)</b>	<p>2.1.Ўқув машғулотининг биринчи саволи бўйича маъруза қиласи, слайд материалларидан фойдаланиб, тушунтиради. (7- чизма).</p> <p>2.2. Корхонанинг иш кучи билан таъминланганлиги таҳлилининг моҳиятини айтиб беради Корхонанинг иш кучи билан таъминланишидаги мутлоқ ва нисбий фарқлар доскада формуллар ёрдамида хисобланиб кўрсатилади ва слайд материаллари ёрдамида тушунтирилади</p> <p>2.3.Иш вақти фондидан фойдаланиш слайдлар ёрдамида таҳлил килинади (8–илова).</p> <p>2.4. Мехнат унумдорлигининг иқтисодий моҳияти ёритилади ва уни хисоблаш кўрсакичлари слайдлар ёрдамида тушунтирилади (9-илова).</p> <p>2.5. .Иш вақти фондидан фойдаланиш слайдлар ёрдамида таҳил килинади</p> <p>2.5.Мавзуни ўзлаштиришганлигини билиш мақсадида назорат саволлари ёрдамида саволжавобни ташкил қилиш.</p>	<p>2.1.Эшитишиади, ёзиб олишади</p> <p>2.2.ЎУМга қарайдилар</p> <p>2.3.Жадвал маълумотларини ўзлаштирадилар.</p> <p>2.4.Савол-жавобда қатнашадилар</p>
<b>3-боскич. Якуний боскич (10 мин.)</b>	<p>3.1.Маързазада қўйилган ҳар бир савол тўғрисида якуний хулоса берилади.</p> <p>3.2.Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рагбатлантирилади.</p> <p>3.3.Келгуси машғулотга тайёргарлик қилиш бўйича топшириклар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.</p>	<p>3.1.Эшитади ва ёзиб олади.</p> <p>3.2.Эшитади</p> <p>3.3.Эшитади, ёзиб оладилар</p>

**2- мавзу.Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари.**

**Амалий машғулотни олиб бориш технологияси**

<b>Машғулот шакли</b>	Мавзу мазмуни чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун топшириқларни гурухларда бажаришга асосланган амалий машғулот
<b>Машғулот режаси</b>	<p>1.1.Мавзу бўйича билимларни жонлантириш:</p> <p>-Иш кучи билан таъминланганлик ва унинг таҳлил услуби;</p> <p>-.меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилиш усуллари;</p> <p>- иш ҳақи вақти ва фондидан фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари;</p> <p>1.2.Натижалар муҳокамаси ва баҳолаш</p>

**Ўқув машғулотининг мақсади:** Корхоналар фаолияти меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни хисоблаш бўйича билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалий топшириқларни бажариш.

<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
Иш кучи билан таъминланганлик ва унинг таҳлил услубларини ёритиб беради	Корхоналарнинг иш кучи билан таъминланганлик даражасини ва иш кучи харакатини таҳлил қила оладилар
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Корхоналарда иш вақти фондидан фойдаланишни таҳлил қилишни ўргатиши</li> <li>• Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилишни ўргатиши;</li> <li>• иш ҳақи фондидан фойдаланишни таҳлил қилишни ўргатади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Корхоналарда иш вақти фондидан фойдаланишни таҳлил қилишни ўрганади</li> <li>• Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилишни билиб олади;</li> <li>• иш ҳақи фондидан фойдаланишни таҳлил қилишни ўрганади.</li> </ul>
Ўқитиш воситалари	фан бўйича семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича масалалар тўплами,тарқатма материал, компьютер, доска.
Ўқитиш усуллари	сухбат,блиц-савол,гурухий ишлаш методи топшириқлар.
Ўқитиш шакллари	индивидуал, гурухий, коллектив.
Ўқитиш шароити	компьютер синфи
Мониторинг ва баҳолаш	Мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди, кузатилади, баҳоланади.

## Амалий машғулотининг технологик харитаси

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни</b>	<b>Талаба фаолиятининг мазмуни</b>
1-босқич Мавзуга кириш (10 дақ)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. 1.2. Ўқув машғулотини гурӯхларда давом эттиришни айтиб ўтади.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 -босқич. Асосий бўлим. (60 дақ)	2.1.Блиц-сўров усулида талабалар билимларини жонлантирилади: - занжирли алмаштириш усули. Уни моҳияти ва қўллаш тартиби; - кўрсаткичларнинг бажарилиш фоизи ва ўсиш суръати (нисбий) даражасидаги фарқ усули ни қўллаш тартиби; - кўрсаткичларнинг даражасидаги мутлак фарқ усулининг моҳияти.	Саволларга жавоб берадилар
	2.2.Талабаларга ўқув топширигини тарқатади ва топшириқларни гурӯхларда ечишни ташкил қиласди. Гурӯхни 5 та кичик гурӯхларга ажратади Топшириқ натижаларини ёзма равишда тайёрлашни тавсия қиласди (10-илова)	5 та кичик гурӯхга бўлинадилар. Амалий топшириқ билан танишадилар ва муҳокама қиласдилар.
3-босқич. Якунловчи (10 дақ)	2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласди. Бажарилган топшириқ натижаларини тақдим қилиш учун гурӯхлардан вакилларни чақиради.Гурӯхлар вакилига тақдимот давомида аниқлаштирувчи саволлар бераборади (11-илова).	Топшириқ натижасини тақдимотга тайёрлайдилар. Гурӯхлар вакили топшириқ натижаларини тақдим қиласдилар, саволларга жавоб берадилар
	2.4. Бажарилган топшириқларни гурӯхлараро баҳоланишини ташкил қиласди.	Фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Баҳо берадилар
3-босқич. Якунловчи (10 дақ)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хуносалар қиласди.	Саволлар берадилар
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади.	Тинглайдилар, ўз фикрларини билдирадилар
	3.2. Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун тайёрланган тест саволларни тарқатади (3-илова), фаол талабаларни баҳолайди	Ёзиб оладилар, жавоб берадилар

**Иқтисодий таҳлили фани 2- модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” таркибидаги 3- мавзу. Асосий фондларнинг таркибини, ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуllibар**

**Маъruzani “Гурухий ишлаш методи” ва “Б.Б.Б.” техникасидаолиб бориши технологияси**

<b>Машғулот шакли</b>	<b>Мавзу бўйича ахборот-тематик маъруза</b>
Маъруза режаси	1. Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракатининг таҳлили. 2. Асосий фондларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш. 3. Асосий фондлардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш.
Ўқув машғулотининг мақсади: <i>Асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти, тузилиши, таркиби, ҳаракати, улардан самарали фойдаланиши таҳлилни ташкил этиши ҳақида билимларни шакллантириши.</i>	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
Асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти уларнинг таркиби уларнинг асосий белгилари билан таништиради;	Асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти ва уларни туркумлаш белгиларини айтиб бера оладилар;
Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракати тўғрида тушунчалар берилади ва корхона маълкмотлари асосида таҳлил қилиниб тушунтирилади.	Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракати тўғрида тушунчаларга эга бўладилар ва корхона маълумотлари асосида уларни таҳлил қила оладилар.
Асосий фондларни баҳоловчи асосий кўрсаткичлар тушунтирилади ва таҳлил қилиш кўрсатиб берилади;	Асосий фондларни баҳоловчи асосий кўрсаткичлар тушуниб оладилар ва уларни таҳлил қилиш бўйича амалий билимларга эга бўладилар.
Асосий фондларларда самарали фойдаланиш кўрсаткичлари ёритилади ва корхона маълумотлари асосида таҳлил қилиниб кўрсатилади.	Асосий фондларлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари тўрисида назарий ва корхона маълумотлари асосида таҳлил қилиш бўйича амалий билимларга эга бўлади.
Корхоналарнинг тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан холда асосий фондлардан самарали фойдаланиш йўллари ёритилади.	Корхоналарнинг тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан холда асосий фондлардан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида билимларга эга бўлади.
Ўқитиш воситалари	маъруза матни, компьютер слайдлари, доска, эксперт варажлари.

Үқитиш усуллари	маъруза, блиц-сўров, гурухларда ишлаш, Б.Б.Б. техникаси
Үқитиш шакллари	фронтал, гурухий.
Үқитиш шароити	Үқитишнинг техник воситалари билан жиҳозланган, гурухларда ишлашни ташкил қилишга мослашган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди, кузатилади, баҳоланади.
Машғулот шакли	Мавзу бўйича ахборот-тематик маъруза

### **Маърузанинг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни</b>	<b>Талаба фаолиятининг мазмуни</b>
<b>1-босқич. Мавзуга кириш (10дак)</b>	1.1. Маъруза мавзусини эълон қиласди, ҳамда дарснинг асосий мақсади ва кўзда тутилган натижалар билан таниширади.	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Маъруза мавзусини инсерт техникасини кўллаган ҳолда ўрганиб келиш учун берилган топшириқ таҳлил қилинади (13-илова).	Мухокама қиласдилар
<b>2 -босқич Асосий бўлим (60 дак</b>	2.1. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича талabalар билимини синаб қўради. Улар куйидагилар: - иқтисодий таҳлил турларини айтиб бера оласизми? - Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракатининг таҳлили қандай ўтказилади? - Асосий фондларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш нима? - Асосий фондлардан самарали фойдаланишни кўрсаткичлари қайсилар ва х.к.	Саволларга жавоб берадилар Маърузанинг асосий жиҳатларини ёзиб борадилар
	2.2. Маъруза режасининг 1-2-саволларини компьютер технологияси ёрдамида слайдлар орқали кўрсатган ҳолда ёритиб беради (14-илова).	Ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб берадилар ҳамдатушунмаган саволларига изоҳ сўрайди.

3-босқич. Якунловчи (10 дақ)	3.1.Мавзу олдига қўйган мақсадига эришилганлиги таҳлил қилинади.	Якуний хулосаларни шакллантиришда иштирок этади. Саволларберадилар
	3.2.Мавзуга оид топшириқ берилади	Ёзиб оладилар

### **3- мавзу.Асосий фондларнинг таркибини, ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари**

#### **Амалий машғулотни олиб бориш технологияси**

<b>Машғулот шакли</b>	<b>Мавзу мазмуни чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот</b>
<b>Машғулот режаси</b>	<p>1.1.Мавзу бўйича билимларни жонлантириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракатини таҳлил қилиш усуллари;</li> <li>- асосий фондларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш усулларини;</li> <li>- асосий фондлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш усуллари;</li> </ul> <p>1.2.Натижалар муҳокамаси ва баҳолаш</p>

**Ўқув машғулотининг мақсади:** асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти, таркиби, тузулиши, ҳаракати, техник ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалий топшириқларни бажариш.

<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
• Асосий фондларнинг таркиби, тузилиши ва уларнинг ҳаракатини таҳлил қиласи;	• Асосий фондларнинг иқтисодий моҳиятига таъриф бера оладилар ва уларнинг тузилиши ва ҳаракатини таҳлил қила олади;
• Асосий фондларнинг техник ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичларни ва уларни таҳлил қилиш йўлларни ўргатади;	• Асосий фрнларнинг техник ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичларни айтиб бера оладилар, уларни таҳлил қилиш бўйича амалий билимларга эга бўладилар ;
Асосий фондлардан самарали фойдаланишни баҳоловчи кўрсаткичларни ва уларни таҳлил қилиш йўлларни ўргатади;	• Асосий фрнлардан самарали фойдаланишни баҳоловчи кўрсаткичларни айтиб бера оладилар, уларни таҳлил қилиш бўйича амалий билимларга эга бўладилар ;
Ўқитиш воситалари	фан бўйича семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича масалалар тўплами,тарқатма материал, компьютер,ёзув таҳтаси.

Үқитиш усуллари	сұхбат, блиц-авол, Б.Б.Б. техника ситопшириклар.
Үқитиш шакллари	индивидуал, гурухий, коллектив.
Үқитиш шароити	Ёруғ, тоза, компьютер воситалари билан жиҳозланған ўқув хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайды, кузатиласи, баҳоланади.

### **Амалий машғулотининг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Үқитувчи фаолиятининг мазмуні</b>	<b>Талаба фаолиятининг мазмуні</b>
1-босқич Мавзуга кириш (10 дақ)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. 1.2. Ўқув машғулотини гурухларда давом эттиришни айтиб ўтади.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 -босқич. Асосий бўлим. (65 дақ)	2.1. Блиц-сўров усулида талабалар билимларини жонлантирилади: - асосий фондларнинг таркибига ва тузилиши орасидаги фарқ нимадан иборат; - асосий фондларнинг характеристикини баҳолашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади; - асосий фондларнинг актив қисмига нималар киради. - асосий фондлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари қайсилар	Саволларга жавоб берадилар
	2.2. Талабаларга ўқув топширигини тарқатади ва топширикларни гурухларда ечишни ташкил қилади. Гурухни 5 та кичик гурухларга ажратади Топширик натижаларини ёзма равишда тайёрлашни тавсия қилади (15-илова).	5 та кичик гурухга бўлинадилар. Амалий топширик билан танишадилар ва муҳокама қиладилар. Гурухларда биргаликда топширикни бажарадилар.
	2.3. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Бажарилган топширик натижаларини тақдим қилиш учун гурухлардан вакилларни чақиради. Гурухлар вакилига тақдимот давомида аниқлаштирувчи саволлар берил боради (16-илова).	Топширик натижасини тақдимотга тайёрлайдилар. Гурухлар вакили топширик натижаларини тақдим қиладилар, саволларга жавоб берадилар
	2.4. Бажарилган топширикларни гурухлараро баҳоланишини ташкил қилади.	Фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Баҳо берадилар

3-босқич. Якунловчи (5 дак)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хуносалар қилади.	Саволлар берадилар
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади.	Тинглайдилар, ўз фикрларини билдирадилар
	3.3. Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун тайёрланган тест саволларни тарқатади ва баҳолайди	Ёзиб оладилар

**Иқтисодий таҳлили фани 2- модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” таркибидаги  
4-Мавзу. Моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилиш  
усуллари**

**Маърузани муаммоли метод асосида олиб бориш технологияси**

Машғулот шакли	Мавзу бўйича ахборот-тематик муаммолимаъруза
Маъруза режаси	1.Материал сарфини камайтиришнинг аҳамияти. 2 Моддий ресурслардан фойдаланишнинг таҳлили
Ўқув машғулотининг мақсадимоддий ресурсларнинг иқтисодий моҳияти, тузулиши, таркиби улардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ва самарали фойдаланиш таҳлилни ташкил этиш хақида билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти билан таништиради;	Моддий ресурсларнинг таркиби, улардан самарали фойдаланишнинг аҳамиятини айтиб бера оладилар;
Хом-ашё ва материалардан фойдаланишни таҳлил қилишни тушунтириб беради;	Хом-ашё ва материаллардан фойдаланишни таҳлил қилишни билиб оладилар;
Моддий харажатларга таъсир қилувчи омилларни тушунтириб беради;	Моддий харажатларга таъсир қилувчи омилларни ва уларнинг таъсирини таҳлил қилишни билиб оладилар;
Материал сиғимини ҳисоблашни туўунтириб беради;	Материал сиғимини аниқлаш орқали моддий ресурслардан фойдаланишга баҳо беришни ўрганиб оладилар;
Ўқитиш воситалари	маъруза матни, компьютер слайдлари, доска, эксперт вараклари.
Ўқитиш усуллари	маъруза, блиц-сўров, муаммоли.
Ўқитиш шакллари	фронтал, гурӯҳий.
Ўқитиш шароити	Ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозланган, гурӯҳларда ишлашни ташкил қилишга мослашган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди, кузатилади, баҳоланади.

## Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1.Марузанинг мавзусини эълон қиласди, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2.Ҳар бир талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади.</p> <p>1.3.Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч иборалари ва маъруза режасига изох беради.</p>	<p>1.1.Эшитиб ёзиб оладилар</p> <p>1.2.ЎУМга қарашадилар</p> <p>1.3.Изоҳ беришадилар</p>
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1.Ўқув машғулотининг биринчи саволи бўйича маъруза қиласди, слайд материалларидан фойдаланиб, тушунтиради.</p> <p>2.2. Моддий ресурслардан самарали фойдаланишининг аҳамияти ва ундан самарали фойдаланиш йўлларини айтиб беради ва слайд материаллари ёрдамида тушунтирилади (16-илова)</p> <p>2.3. хом-ашё ва материаллардан фойдаланиши слайдидаги жадвал ёрдамида тушунтириб беради ва . (17-илова)</p> <p>2.4. материал сифими ва материал самарасини формуласарини слайдлар ёрдамида кўрсатади ва моҳиятини тушунтиради.</p> <p>2.5. корхонада материал сифимини таҳлил қилишслайд ёрдамида тушунтириб берилади</p>	<p>2.1.Эштишади, ёзиб олишади</p> <p>2.2.ЎУМга қарайдилар</p> <p>2.3.Жадвал маълумотларини ўзлаштирадилар.</p> <p>2.4.Жадвал маълумотларини ўзлаштирадилар</p> <p>2.5.Жадвал маълумотларини ўзлаштира-дилар</p>
3-босқич. Якуний босқич (10 мин.)	<p>3.1.Маърузада қуйилган ҳар бир савол кандай ҳал килингани тўғрисида якуний хуроса берилади.</p> <p>3.2.Талабаларнинг фаолиятига баҳо қуйилади ва рагбатлантирилади.</p> <p>3.3.Келгуси машғулотга тайёргарлик қилиш бўйича топшириклар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.</p>	<p>3.1.Эшитади ва ёзиб олади.</p> <p>3.2.Эшитади</p> <p>3.3.Эшитади, ёзиб оладилар</p>

## **4-Мавзу.Моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилиш**

### **Амалий машғулотни олиб бориши технологияси**

Машғулот шакли	Мавзу мазмунини чуқурлаштириш ва бойитиш бўйича топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот
Машғулот режаси	1.Материал сарфини камайтиришнинг аҳамияти. 2 Моддий ресурслардан фойдаланишнинг таҳлили
Ўқув машғулотининг мақсади:Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг аҳамиятини бўйича билимларини чуқурлаштириш,моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилиш бўйича билимларини чуқурлариш ва амалий кўникумаларини мустаҳкамлаш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Моддий ресурларнинг таркиби. Турлари билан таништириш;	Моддий ресурларнинг таркибива турларини билим олишади;
Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг аҳамиятива ва вазифаларини тушунтиради;	Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг аҳамиятива ва вазифаларини билиб олади;
• Моддий ресурслардан фойдаланишга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишни ўргатиш;	• Моддий ресурслардан фойдаланишга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишни ўрганади;
Материал сигими ва унинг сотилган маҳсулот ва маҳсулот таннархи ҳажмига таъсирини таҳлил қилишни ўргатиш;	Материал сигими ва унинг сотилган маҳсулот ва маҳсулот таннархи ҳажмига таъсирини таҳлил қилишни ўрганиб оладилар;
Ўқитиш воситалари	фан бўйича семинар ва амалий машулотлар ўтказиш бўйича масалалар тўплами,тарқатма материал, компьютер, ёзув тахтаси.
Ўқитиш усуллари	сухбат, муаммолиамалий топшириқлар
Ўқитиш шакллари	индивидуал, груп.
Ўқитиш шароити	Компьютер синфи
Мониторинг ва баҳолаш	Мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди, кузатилади, баҳоланади

## Амалий машғулот технологик харитаси

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Үқитувчи фаолиятининг мазмуни</b>	<b>Талаба фаолиятининг мазмуни</b>
<b>1-босқич Мавзуга кириш (10 дақ)</b>	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини ва ўтказиш режасини маълум қиласди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ва унинг режасини ёзиб оладилар
	1.2. Олдинги машғулотда берилган тест топшириқлари натижаларини текширади.	Тест саволларига жавоб берадилар
	1.3. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.	Танишадилар
<b>2 –босқич. Асосий бўлим (60 дақ)</b>	2.1. Машғулотни гурухларда давом эттиришни айтиб ўтади. Гуруҳни 5 та кичик гурухларга ажратади. Гуруҳда муаммоли вазиятларни беради ва тақдимот қоидалари билан таништиради (2-илова).	5 та кичик гурухга бўлинадилар
	2.2. Талабаларга амалий топшириқни тарқатади ва уларнинг топшириқларни гурухларда ечишни ташкил қиласди (3-5 иловалар).	Амалий топшириқ билан танишадилар, муҳокама қиласдилаар ва ечадилар
	2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласди. Бажарилган топшириқ натижаларини тақдим қилиш учун гурухлардан вакилларни чақиради. Гурухлар вакилига тақдимот давомида аниқлаштирувчи саволлар бераборади. Саволлар муҳокамасини ташкил қиласди.	Топшириқ натижасини тақдимотга тайёрлайдилар. Гурухлар вакили топшириқ натижаларини тақдим қиласдилаар, саволларга жавоб берадилар
	2.4. Бажарилган топшириқларни гурухлараро баҳоланишини ташкил қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги муаммолар ечими бўйича талабалар фаолияти баҳоланади.	Фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Баҳо берадилар
<b>3-босқич Якунловчи (10 дақ)</b>	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хуносалар қиласди. Ўтказилган амалий машғулотнинг асосий жиҳатларига изоҳ беради.	Тинглайдилар, ўз фикрларини билдирадилар.
	3.2. Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун амалий топшириқ беради (4-7 иловалар). Мустақил иш топшириқларини берами.	Ёзиб оладилар

## **1.7. Мавзуларни ўқитишида интерактив усулларнинг мазмуни, аҳамияти ва афзаликлари**

Ўқитиши жараёни сифати ўқитиши методикаси соҳасида таълим методлари ва уларни амалда қўллаш бўйича аниқланади. Ҳозирги пайтда таълим методлари илмий системасини яратиш ва уларни амалда қўллашнинг технологик ёндашувларини ишлаб чиқиш тадқиқотчилар диққатига турибди.

“Метод” сўзи грекчада “изланиш, усул, мақсадга эришиш йўли” маънони англатади. Фалсафий адабиётларда метод бу “реалликни назарий ёки амалий жиҳатдан ўзлаштиришнинг қоидалари, тартиблари ёки жараёнлари мажмуи, маълум бир мақсадга эришиш усули” деб таъриф берилган. Ўқитиши жараёнида ҳам бир қатор методлар яратилган.<sup>20</sup> Улардан айримларини ёритамиз:

### **“Муаммоли вазият” методи**

**“Муаммоли вазият” методи** – таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси қуйидагича:

- Муаммоли вазият тавсифини келтириш;
- Гурухларга бўлиш;
- Гурухларнинг муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;
- Гурухларнинг муаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида фикр юритиши;

---

<sup>20</sup>Абдуқодиров А. Ишмуҳамедов Р. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.:Истеъодод, 2011.

- Гурухларнинг муаммоли вазиятнинг ечимини ишлаб чиқиш;
- Тўғри ечимларни танлаш.

### **“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурухларга ажратади.

4. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларини аниқйлайдилар ва ҳар бир гурух тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммонинг ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз варианtlарини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурух таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

### **“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:**

- Таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- Таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларини топишни ўрганадилар;
- Таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;

- Таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.
- “Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:

  - Таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
  - Қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
  - Кўп вақт талаб этилади.

### **Мунозараметоди**

**Мунозара** методи жараёнида юзага келадиган баҳслашиш фикрлашнинг ифодаси бўлибгина қолмай, шаклланиб келаётган шахс ўзининг бирор нарсани ҳал этиш, мустақилликда катталар Билан teng хуқуқли эканлигини ёқлаш эҳтиёжидир. Дарс жараёнидаги баҳс чоғида ўқитувчи таълим олувчилар билан баравар ҳақиқат изловчиси бўлиб харакат қиласди. Ана шу баҳсда у ўз билимини намойиш этади, кенг фикрлайди, фикрларни далиллар билан асослайди, бу фазилатлар эса таълим олувчилар ўртасида ўзаро катта ҳурмат уйғотади. Баҳс жараёнида ҳар бир таълим олувчининг «шахсий фикри», ўз мавқеини ифодалаш ва асослаш малакаси юксак қадрланади.

### **Синквейн (ахборотни йифиш) методи.**

**Синквейн (ахборотни йифиш).** Ўрганилаётган материални тўлақон ва пухта англаш учун қўлланиалдиган интерфаол методларидан бири бўлиб ҳисобланади. Синквейн – французча беш қатор ўзига хос, қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу) тўғрисидаги ахборотёйилган ва йифилган ҳолда, таълим олувчи сўзи билан, турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тузиш – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзуни пухтароқ англашга ёрдам бериш билан бирга, таълим олувчиларнинг қритик фикрлаш қобилиятини юқори даражада ривожлантиради.

## **Синквейн түзиш қоидаси:**

1. Биринчи қаторда мавзу (топшириқ) бир сўз, одатда от билан ифодаланади (ким?, нима?).
2. Иккинчи қаторга мавзуга оид иккита сифат ёзилади (қандай?, қанақа?).
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти – ҳаракат (функцияси – вазифасини англатувчи) учта сўз (фөъл) билан ифодаланади.
4. Тўртинчи қаторга мавзуга нисбатан тасаввур (ассоциация)ни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр (сезги) ёзилади.
5. Охириги мавзуга моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга ўхшаш бўлган битта сўз (сионим) ёзилади.

## **ИНСЕРТ техникасидан фойдаланиб ишлаш қоидаси**

1. Маъруза матнини ўқиб, матн четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқишингиз лозим.

✓ — Биламан,  
+ — мен учун янги маълумот,  
- — мен билган маълумотни инкор қиласди,  
? — ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиласдиган) қўшимича маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг:

Мавзу саволлари	✓	-	+	?
1.				
2.				
3.				

## **1.8. Иқтисодий таҳлили фани 2- модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” таркибидаги мавзуларни ўқитишида педагогик усулни қўллаш**

Мавзуни ўқитишида бир неча усуллар, методлардан фойдаланилади, булар дарсни ўқитиши технологиясида ва технологик харитасида кўрсатиб ўтилган.

### **«Ақлий хужум» методи**

#### **“Ақлий хужум” методини қўллашда амал қилиш қоидалари**

1. Машғулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишига ундаш, улар томонидан кутилмаган мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш.

2. Ҳар бир ўқувчи томонидан билдирилаётган фикр ёки ғоялар миқдори рағбатлантирилиб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари фикрларнинг рағбатларнтирилиши навбатдаги – янги фикр ёки ғояларнинг туғилишига олиб келади.

3. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр ёки ғояларига асосланиши ҳамда уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоялар) ни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикр (ғоялар) нинг шаклланишига замин яратади.

Машғулот жараёнида ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томондан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (қоя) лари баҳоланиб бориладиган булса, ўқувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини химоя қилишгәратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар.<sup>21</sup>

---

<sup>21</sup>Олимов Қ.Т., Узокова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиши методикаси. Касб-хунар коллажлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2012.

## **Ўқув машғулотини “Ақлий хужум” усулинин кўллаб ўтишнинг ишлаб**

### **чиқиши қоидалари:**

- Ўзаро баҳолаш ва танқидга ўрин йўқ;
  - Таклиф этилаётган ғоялар фантастик ва ғаройиб бўлса ҳам уларни баҳолашдан сақланинг . ҳамманинг фикр билдиришига рухсат этилади;
  - Танқид қилманг , барча билдирувчи фикрлар тенг қимматли;
  - Сўзга чиққан кишининг гапини бўлманг!
  - Эътиrozлардан сақланинг!
  - Қанча кўп фикр айтилса, шунча яхши янги ва қимматли фикр пайдо бўлиши эҳтимоли кўпроқ.
  - Фикрлар такрорланса, хафа бўлманг ва уялтирманг!
  - Тасаввур қилишга рухсат беринг!
- “Ақлий хужум” методи саволлари:**
- 1.. Товар маҳсулот деганда нима тушунилади?
  3. Товар маҳсулот қандай баҳоларда ҳисобланади?
  4. ТМнинг ўзгаришига баҳоларнинг таъсири қандай ҳисобланади?
  5. Маҳсулот ассортименти қандай таҳлил қилинади?
  6. Маҳсулот сифатини таҳлил қилишда қандай методикалар кўлланилади?
  7. Ўртача навлик коэффициенти қандай аниқланади?
  8. Ўртача навни ўртача тортилган баҳоси қандай кўрсаткич?
  9. Сотилган маҳсулот қандай таҳлил қилинади?
  10. Сотилган маҳсулот ҳажмига қандай омиллар таъсир қиласи?

### **Гурухий ишлаш методи**

**Гурухий ишлаш.** Ўқитиши жараёнида гурух бўлиб ишлаш методининг ахамияти тобора ошиб бормоқда. Фанлар бўйича назарий билимларни беришда ва амалий машғулотларни ўтказишда гурухий ишлар олиб борилиши мумкин. Бу борада барча таълим олувчилар бир неча кичикроқ ўқув гурухларига тақсимланади ва бу гурухлар мустақил ишлайдилар. Кичик гурухларнинг иш натижалари кейинроқ бутун гурух доирасида муҳокама қилиниши мумкин.

Гурухий ишлар махсус билимлар билан бир қаторда амалий кўникмалар ўрганилиши керак бўлганда, шунингдек таълим олувчиларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир нечта таълим олувчилар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характерлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади. Шунинг учун гурухий иш ташкил қилиш кўра мураккаброқдир.

Гурухли бўлиб ишлашда иккита ҳолат фарқланади:

- бир хил мавзуда олиб бориладиган гурух иши;
- ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гурух иши

Бир хил мавзуда олиб бориладиган гурух ишида бир неча гурухларга бир хил топшириқлар берилади. Топшириқ ва машқларни ечиш шароитлари ҳам бир хил бўлади. Шундай қилиб ҳар хил ечимлар гурух иши тугаганидан сўнг бир-бири билан таққосланиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолларда рақобат ҳолати юзага келади. Ечим топилиши вақтида эса рақибликка ўхшаш ҳолатлар вужудга келади. Бу ерда муҳим нарса шуки, гурухлардаги таълим олувчиларнинг билим ва кўникмалари имкон қадар бир хил бўлиши керак.

Ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гурух ишида бериладиган иш топшириғи бир неча қисмларга бўлинади. Факат бу қисмлар бирлаштирилганда гина топшириқнинг мазмуни аниқ кўринади.

Ҳар бир гурух бу ҳолда қисман топшириқ олади ва мустақил равишда унинг устида ишлайди. Лекин бу ҳолда ишларнинг тақсимоти анча мураккаб бўлади, ечимга таъсир қилувчи кўпинча фарқ шарт-шароитлар ва фарқлар ҳосил бўлади.

Бундай ёндашувда бир гурух таълим олувчилари фақат ўзларига берилган топшириқларни билишади холос, яъни бошқа гурухлар ишлари ҳақида деярли хабарлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам натижалар қисман бирлаштирилиши зарур.

Гурухий ишда берилган топшириқлар пухталик билан ўйлаб чиқилган бўлиши керак, чунки уларда таълим олувчилар орасида мулоқот ва ҳамкорлик қобилиятини ривожлантириш каби мақсадлар бор.

## Гурӯҳлар учун топшириклар

### 1-гурӯҳ.

Битта гап билан саволга жавобни шакллантиринг.

Меҳнат, меҳнатга ҳақ тўлаштахлили, мутлоқ ва нисбий фарқ таҳлили

### 2-гурӯҳ.

Меҳнатга ҳақ тўлаш таҳлили сўзига кластер тузинг.

### 3-гурӯҳ.

Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг.

Ишвактидан фойдаланишомиллари, Меҳнатунумдорлигигатаъсиретувчиомиллар

**“Биламан – билишни хохлайман – билиб олдим”(Б - Б - Б).** матнни интерфаол ўқитиши – ўзлаштириш методларидан бири бўлиб, у ҳам инсерт методи каби жадвал кўринишида бажарилади ва у қуидагича қўлланилади: таълим олувчиларга бирор мавзу эълон қилинади. Бу тўғрида улар маълум бўлган ахборотларни жадвалнинг “биламан” қисмига, мавзу бўйича яна қандай маълумотларни билишни хохлашса, уларни жадвалнинг “билишни хохлайман” қисмига ёзадилар. Сўнгра, уларга мавзуга оид матн тарқатилади. Улар микромурухлар таркибида матнни мустақил ўзлаштириб, жадвалнинг “билиб олдим” қисмини тўлдирадилар. Ҳар бир микромурух сардори (вакили) тузилган жадвалларни тақдим қиласилар. Жадвалнинг барча қисмлари таққосланиб, таълим олувчиларда мавжуд бўлган ва қўшимча ўзлаштирилган ахборотлар таққосланиб, мунозара қилинади ҳамда мавзунинг ўзлаштирилганлиги таҳлил қилинади.

### Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун

#### тарқатма метериалла

Тушунча	Биламан «+»,	Билмайман «-».	Билиб олдим «+»
Асосий фонdlарнинг харакати таҳлили			
Актив ва пассив АФ таҳлили			
Фонд самараси таҳлили			
Фонд сағими таҳлили			


## **Кластер методи**

**Кластер – “ахборотларни ёзиш”.** “Кластер” – инглизча сўз бўлиб, ғунча, боғлам маъносини англатади. Ахборотлар кластерларга ажратиш интерфаол педагогик стратегия бўлиб, у кўп вариантли фикрлашни, рафбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиши ва муайян мавзу бўйича анча фикр юритишга чорлайди. Кластер тузиш кетма – кетлиги қуидагича:

- синф ёзув тахтаси ўртасига катта қофоз варағига асосий сўз ёки гапни ёзинг;
- сизни фикрингизча бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг (“ақлий хужум”) ўтказинг;
- тушунча ва ғоялар тўғрисидаги ўаро боғланишни ўргатинг.
- Эслаган вариантларингизнинг ҳаммасини ёзинг.

**Топширик:** “Асосий фондлар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ”, сўзларидан класстер тузинг

*15-чизма*



## **Муаммоли вазифалар методи**

Муаммоли вазифалар методи – таълим олувчиларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган методдир. У, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор

қабул қилишдан иборат. Бу методнинг етакчи функцияларига қуидагилар киради:

- ўргатувчи: билимларни долзарблаштиришга асосланган;
- ривожлантирувчи таълим олувчиларда таҳлилий тафаккурни, алоҳида далиллар орқасидаги ҳодиса ва қонунийликни кўра билишни шакллантириш;
- тарбияловчи: коммуникатив кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалар методи таълим олувчиларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга, асосланган: илмий тушунчаларни, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида ётган у ёки бошқа материални чуқур мантиқий таҳлил қилишга асосланган.

Муаммоли вазифа ҳаётдан олинган далилларни, маъруза ва вазиятни ўрганишдан, алоҳида инсонлар ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг манфаатларини кўзлашдан иборат бўлиши мумкин.

### **Муаммоли вазият**

#### **Вазият: Моддий ресурслардан фойдаланиш таҳлили**

2. Моддий ресурсларга нималар киради?
3. Моддий ресурслар ва харажатлар қандай фарқланади?
4. Материал сифими қандай ҳисобланади?

**Вазифа:** Моддий ресурслардан фойдаланишининг кўрсаткичлари қандай таҳлил қилинади?

#### **Методик кўрсатмалар:**

##### **1-босқич.**

Асосий муаммо мазмунини аниқлаш ва тадқиқот обьектини танлаш.

##### **2-босқич.**

Муаммоли вазият диагностикаси: обьект ҳолатини аниқлаш, муаммоли вазиятнинг муҳим томонларини ўрганиш ва муаммонинг параметрларини аниқлаш мақсадида муаммонинг ҳамма томонларини тавсифлаш.

##### **3-босқич.**

Муқобил таклифларни шакллантириб муаммони эчишнинг имкони бўлган барча вариантларини топиш.

##### **4-босқич.**

Муаммони ечиш вариантларини баҳолаш ва энг яхшисини танлаш.


## **1.9.Мавзу бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш**

**Баҳолаши ва унинг аҳамияти.** Фанни ўқитишида талабалар хулқини, билими ва кўникмаларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Хулқни баҳолаш бу талабанинг шахсий хусусиятларини аниқлаш демакдир. Таълим оловчилар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлиги, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг турли босқичларида таълим оловчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.<sup>22</sup>

**БАҲОЛАШ-** таълим жараёнинг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаши, натижаларни аниқлаши ва таҳлил қилишидан иборатdir.

Талабаларни баҳолашда билимлар билан бирга талабанинг ўзини тутиши, ҳаракати, мулоқот қилиш қобилияти инобатга олинади, шунингдек ўқитувчи савол бериш жараёнида қуйидагича ёндашиши зарур:

- саволни тушунарли ва аниқ баён қилиши керак;
- жавоб бериш учун етарли вақт бериш керак;
- субъектив саволлар бермаслиги керак;
- талаба саволларга жавоб беришда қийналишни бошласа, саволлар қамрови мос равишда қисқартирилиши лозим.



<sup>22</sup>Олимов Қ.Т., Назарова Н.Н., Шукурова Б.Т. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари . Таълим муаммолари.-2012.-№1.

Баҳолаш “Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникума ва малакаларининг назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги мувакқат Низом” асосида амалга оширилади. Ушбу низомга асосан ўқитиш савияси ва ўзлаштириш даражаси давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуидаги назорат тадбирларини ўтказиш назарда тутилади:

<b>Жорий назорат (ЖН)</b>	оғзаки сўровлар, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, уй вазифалари, тест ва у каби сўров шакллари орқали амалга оширилади
<b>Оралиқ назорат (ОН)</b>	фаннинг маълум бир қисми, бўлим якунлангандан кейин ўтказилади, оралиқ назоратни ўтказиш тартиби ва шакли таълим муассасининг тегишли кафедралари томонидан белгиланади
<b>Якуний назорат (ЯН)</b>	семестр тугагандан кейин амалга оширилади

“5” баллик баҳолаш усулини қўллаганда ҳар бир назорат тури “5”, “4”, “3”, “2” усулида бутун сонлар ёрдамида баҳоланади.

Муайян фан бўйича ўқувчининг семестр мобайнида тўплаши мумкин бўлган умумий бали ( $R$  семестр) максимум 5 бални ташкил қилиб қуидагича ҳисобланади:

$$R_{\text{семестр}} = \frac{\text{ЖН} + \text{ОН} + \text{ЯН}}{3}$$

Агар фан бўйича оралиқ назорат ўтказилмаса, у қуидагича ҳисобланади:

$$R_{\text{семестр}} = \frac{\text{ЖН} + \text{ЯН}}{2}$$

Муайян фан ёки ўқув амалиёти бўйича йиллик умумий балл сифатида семестрларда тўпланган балларнинг ўртачаси олинади.

$$R_{\text{йиллик}} = \frac{R_{1\text{семестр}} + R_{2\text{семестр}}}{2}$$

Давлат имтиҳонлари, ихтисослик малака ишлари ҳам, курс лойиҳалари ҳам 5 баллик тури (“5”, “4”, “3”, “2”) усулида баҳоланади.

Мен дарс ўтган Бухоро Иқтисодиёт ва банк коллежининг 41-Молия гурӯҳда Ашуроғ Дилшод, Гуломова Шаҳноза, Нуриддинова Дилобар, Қодирова Дилнурә, Қамбаров Миржон, Атаков Бобирлар, Темирова Муниса, Тиллаева Шаҳноза фаол иштирок этишди. Дарс давомида мавзу бўйича берилган топшириқларни, бажаришди, “Ақлий ҳужум” усули бўйича саволларга жавоб беришди, Гуруҳлар учун берилган топшириқларни бажаришди, Колган талабалар масалала ечиш усулларни ўрганиб, тест топшириқларини бажаришди. Фаол талабалар қуидагича баҳоланди:

Нуриддинова Дилобар –“5”	Ашуроғ Дилшод –“4”
Қодирова Дилнурә –“5”.....	Гуломова Шаҳноза –“4”
Қамбаров Миржон –“5”.....	Темирова Муниса –“4”
Атаков Бобир –“5”.....	Тиллаева Шаҳноза –“5”
Баҳолар гурӯҳ журналида қайд этилди	

## **2.1. Корхона ва ташкилотларда иш жараёнида меҳнат муҳофазасини таъминлаш**

Меҳнат муҳофазаси бўйича корхоналардаги, муассасалардаги асосий қонунчилик актлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси, фуқаролик кодекси ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлари ҳисобланади. Хавфсиз меҳнат қилиш хукуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 37-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Руспубликасининг 1993-йил 6-майдан кучга киритилган Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуни ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнатни муҳофаза қилишга оид муносабатларни тартибга солишни хукуқий асосларини белгилайди.

Меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат кобилиятини, соглигини ва хавфсизлигини таъминлаш учун йуналтирилган мажмуаси, ижтимоий- иктисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни уз ичига камраб олади.<sup>23</sup>

Хар бир раҳбарнинг Узбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида» ги Конунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини тугри хал этишда раҳбарларнинг ушбу конундан тугри фойдалана олишлари асос булади.

Ташкилотларда меҳнат хавфсизлигига доир барча карор ва хужжатларни тахлил қилиш, келгусида меҳнат хавфсизлиги даражасини кутариш, иш юритишида техника хавфсизлиги машгулотларини утказиш, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш, укув юртлари укувчилари, уқитувчилари, талабалари, хизматчи ва ишчилари уртасида шикастланишининг олдини олиш хамда давлат стандарти масалалари талабларига риоя этиш максадида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида» Конун кабул килинган. Бу конун асослари мазмун жихатдан жуда кенг камровли булиб, уз таркибида жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш,

---

<sup>23</sup>Ф.Ёрматов Ҳаёт фаолият хавфсизлиги.Тошкент-2010 й.

мехнат интизоми, аёллар ва болалар меҳнати ижтимоий химоя ҳамда бошка масалаларининг мужассамлаштирган.

«Меҳнатни муҳофаза килиш тўғрисида»ги Конун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соглиги учун заарли булган омилларни бартараф килиш баҳтсиз ходисаларни олдини олиш ва иш жойларининг санитария – гигиеник жихатдан коникарли холатда булиши учун барча зарур чора – тадбирларни кўриш маъсулиятини маъмурият зимиасига юқлатилганлигин курсатиб ўтилган. Касбий заарарликлар мавжуд булган худудларда меҳнат киладиган ишчилар учун кискартирилган иш куни кушимча дам олиш кунлари жорий этилиши, заарли иш жойларида ишлаганларга, соглик учун заарали шароитда меҳнат килаётганлар учун маҳсус устама ҳак ҳамда химоя кийимлари берилишини кузда тутади.

Ўзбекистонда биринчи марта иш берувчилар билан меҳнат муносабатларига киришаётган жисмоний шахсларни меҳнатини муҳофазаси муаммоларини аниқ ечимиға боғлиқ ҳар хил саволлар қонунчилик даражасида кўрилмоқда. Бу қонунлар иш бажарувчиларга ҳам улар билан меҳнат муносабатларида бўладиган ишловчиларга ҳам, ҳамда таълим муассасаларини, ишлаб чиқариш амалиётларини ўтаётган ўқувчи ва талабаларга ҳам бир хилда таъсирга эгадир. Қонунчилик меҳнат муносабатларида бўлган барча иштирокчиларни, улар ҳоҳ жисмоний, ҳоҳ ҳуқуқий шахс бўлишидан ва қандай шаклда фаолият юритаётганидан қатъий назар меҳнат муҳофазаси талабларини сўзсиз бажарилиши шарт эканлигига ургу беради. Шунинг учун мамлакат иқтисодиёти олдида турган вазифаларнинг тўғри ва тўлиқ бажарилиши кўп жихатдан унинг хўжалик юритувчи субъектлари самарали фаолият юритишига боғлиқ.

Корхона ва ташкилотларда Мехнат Кодекси ва меҳнатни муҳофаза килиш тугрисидаги меъёрларни бузишда айбланган раҳбарлар шахслар маъмурий моддий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Маъмурий жавобгарлик – ходимга хайфсан бериш, ишдан четлаштириш, уртacha ойлик иш хакининг 20 % дан ортиқ булмаган микдорда жарима солиш ва меҳнат шартномасини

бекор килишдан иборат. Моддий жавобгарлик эса «Мехнатни мулофаза килиш тугрисида»ги Конунни бузган шахсларни назорат ташкилотлари томонидан белгиланган микдорда жарима тулашга ёки келтирилган моддий зарарни коплашга мажбур килишдан иборат. «Мехнатни мулофаза килиш тугрисида» ги Конунни бузиш бахтсизлик ёки улимга сабаб булса, айбор шахслар белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади.

Хотин – кизлар эркаклар билан teng хукукли булиб, улар давлат, хужалик, маданий ва жамоат ишларида фаол катнашиш имкониятига эга. Мехнат Кодексида хотин – кизларнинг физиологияси ва оналикни химоя килиш хисобга олиниб уларнинг мехнатини мулофаза килиш белгиланган. Огир ва организм учун зарарли ишларда аёлларнинг мехнат килишига йул куймайди.

Мехнат Кодексида усмиirlар мехнатига алохида эътибор берилган 18 ёшга тулмаган йигит кизларни ишга кабул килишда уларнинг хошишига караб, йилнинг исталган вактида бир ойлик мехнат таътили берилиш белгиланган. Усмиirlар корхонакасаба қумиталари кушимча ишларни бажаришга жалб килинмайди. Улар тиббий куриқдан мажбурий утказиб турилади. Агар усмиirlарни бажараётган юмушлари уларнинг соглигига таъсир килаётганини сезилса у холда шифокор маслаҳати ва тегишли хужжатга асосан бошка ишга утказилади.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнатни мулофаза килиш тўғрисидаги конунида Мехнатни мулофаза килиш - бу тегишли конун ва бошка меъёрий хужжатлар асосида амал килувчи, инсоннинг мехнат жараёнидаги хавфсизлиги, сихат – саломатлиги ва иш кобилияти сакланишини таъминлашга каратилган ижтимоий иктисадий ташкилий техникавий сани тария – гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари хамда воситалари тизимидан иборат деб таъкидланган.

Мехнат хавфсизлиги талаблариiga жавоб бермайдиган ва ишловчилар соглиги хамда хаётига хавф тугдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланиш, улар мехнат хавфсизлиги талабларига

мувофик холга келтирилганга, Узбекистон Республикаси Конунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тухтатиб куиилиши керак. Хар бир корхона меҳнатни муҳофаза килиш учун зарур маблаг ларни жамоа шартномасида белгиланадиган микдорда ажратади. Меҳнатни муҳофаза килишга мулжалланган маблагларни, бошка максадларга ишлатиш мумкин эмас.

Корхонадаги, хар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза килиш стандартлари коида ва меъёрлари талабларига мувофик булиши лозим.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза килишнинг замонавий воситаларини жорий этиш ва ишлаб чикаришда жроҳатланиш хамда касб касалликларини олдини оладиган санитария – гигиена шароитларини таъминлаши шарт.

Корхонанинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари уз касблари ва иш турлари буйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларида укишлари, йул – йуриклар олишлари, билимларини текширувдан утказишлари, хамда кайта аттестациядан утишлари шарт.

Маъмурият ходимларнинг меҳнатни муҳофаза килиш масалалари буйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт.

Ташкилотлардаги баҳтсиз ходиса оқибатида ходим ва вафот этган такдирда корхона тегишли хукукга эга булган шахсларга моддий зиённи Узбекистон Республикаси Конунларида белгиланган тартиб ва микдорда коплайди, шунингдек Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилаб қўядиган микдорда бир марта бериладиган нафака тулайди.

Барча корхона ва ташкилотларда Конун асосида меҳнатни муҳофаза этиш масалаларини хал килиш максадида, хар йили касаба уюшмаси ташкилотлари билан хамкорликда меҳнат муҳофа заси чора – тадбирларини ишлаб чикади.

Барча вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарида меҳнатни муҳофаза килиш коидаларига амал килинишини назорат этиш Узбекистон Республикаси Бош прокурорига юқлатилган. Меҳнатни муҳофаза килиш коидалари бажарилаётганлигини назорат органлари кузатиб боради.

Тармок касаба кумитасининг техник инспектори хар бир саноат корхонасига бириктириб куйилган. У корхонада меҳнатни муҳофаза ки лиш коидалари бажарилаётганлигини, баҳтсиз ходисага учраганлар хисобга олинаётганлигини назорат килади, оғир ёки улим билан тугаган ходисаларни гурух билан бирга таҳлил килади, меҳнатни муҳофаза килиш коида ва меъёрларини бузганларни жавобгарликка тортиш максадида тегишли жойларга маълумот юборади. Техник инспектор янги ускуналарни кабул килишда катнашади ҳамда бир вактнинг узида улар янги обьектларни фойдаланиш учун кабул килиш комиссиясининг аъзоси хисобланиб, меҳнат муҳофазаси тадбирларининг бажарилаётганлигини назорат килади.

Корхона ва ташкилотларда хизмат курсатаётган касаба уюшмасининг инспектори меҳнатни муҳофаза килиш булими раҳбарлиги остида иш олиб боради.

## **2.2. Корхона ва ташкилотларда санитария назорати ва ёнғин хавфининголдини олиш чоралари**

**Санитария назорати.** Ташкилотларда давлат санитария назоратини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария – эпидемиология хизмати ходимлари олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси ташки мухитни саноатнинг заарли чикиндилари билан ифлосланишининг, корхоналарида ишловчилар касалланишининг олдини олишга каратилган чора – тадбирларни амалга оширишда уларга амалий ёрдам курсатиш белгилаб куйилган.<sup>24</sup>

Санитария – эпидемиология станцияларининг вакиллари капитал курилиш объектларини кабул килишда катнашади, касбий захарланиш ва касалланишлари текширади, корхона маъмурияти билан биргаликда бу касалликларни йукотиш чора – тадбирларини куради. Сув ҳавзаларидан тугри фойдаланиш ва ташландик сувларнинг сув ҳавзаларига кушилиши масалалари билан Согликни саклаш вазирлиги Бош санитария - эпидемиология бошкармасининг махаллий санитария – эпидемиология станциялари шуғулланади.

**Ёнгин хавфсизлиги олдини олиш назорат органи.** Ёнгин хавфсизлиги назорати Республика Ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан муҳофаза килиш Бош бошкармаси ва махаллий органлар зиммасига юклатилган.

Махаллий бошкарув органлари ва ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимлари хамда ёнғинга карши курашувчи кисмлар, узлари хизмат курсатадиган муассасаларнинг хамма объектларида ёнгинга карши чора – тадбирларнинг бажарилишини, ёнгинга карши кураш олиб борувчи хизматчиларнинг тайёрлигини, корхонадаги ёнгинни учирине воситаларининг ишга яроклилигини ва таълим , медицина муассасаларини лойлагандага ёнгин хавфсизлигига риоя килинаётганлигини кузатиш йули билан назорат килиб

---

<sup>24</sup> Абдурахмонов К. Мехнат ресурсларини муҳофаза қилиш. Тошкент-2010 й.

боради. Ёнгин чикмаслиги чоралирини куриш вазифаси ходимлар зиммасига юклатилган.

**Энергетика назорати.** Давлат энергетика назорати Узбекистон Республикаси Энергетика ва электлаштириш вазирлигининг тегишли органлари томонидан амалга оширилади. Унинг асосий вазифаси электростанцияларни, электр ва иссиклик курилмаларининг техник холатинида уларда хавфсиз хизмат курсатишни назорат килиб туришдан иборат. Энергетика назорати электр кувватидан тугри фойдаланилаётганлигини ва электнлигини ва электр техник холатини кузатиб боради.

### **Ёнгиннинг келиб чикиш сабаблари ва турлари.**

Ёнгин саноат корхоналари, халк хужалигининг барча тармокларида юз бераб, етказадиган заари жихатидан табиий оғатларига тенглашиши мумкин булган ходиса хисобланади. Улар катта моддий заарар келтириши билан бирга огир баҳтсиз ходисаларга: захарланиш, куйиш хамда кишилар халокатига сабаб булиши мумкин. Ёнгинга карши қураш ишлари давлат микёсида амалга ошири лади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, таркалиб кетмаслиги чора – тадбирларини олдиндан куриш, унга карши самарали қураш олиб бориш ёнгинни учиринда кулланиладиган бирламчи воситалардан тугри фойдаланишга каратилган.<sup>25</sup>

Мураккаб оксидланиш жараёнида ёнувчи моддалардаги бир модданинг иккинчи моддага айланиши окибатида катта микдорда иссиклик ва нурланиш ажралиши билан кечадиган холатга ёниш деб тушунилади. Ёнгинга асосан уч омил: ёнувчи модда, ёндирувчи мухит, киздириш жараёни сабаб булади.

Ёниш жараёни, асосан, икки хил булиши мумкин. Биринчисидан, каттик жисмлар ёниш жараёнида хаво мухитидан ажралган холда булади. Бундай ёниш хаво харорати натижасида ёниш зонасини кислород билан таъминланганлиги учун диффузияли ёниш дейилади, уни ёгоч, кумир ва

---

<sup>25</sup>Ғ.Ёрматов Ҳаёт фаолият хавфсизлиги.Тошкент-2010 й.

бошка моддалар ёнганда кузатиш мумкин. Ёнишнинг иккинчи хили ёнувчи газлар ва суюкликларнинг парлари, ёнувчи моддаларнинг чанглари хаво билан аралашган холатдаги ёниши булиб, у кинетик ёниш деб юритилади. Бундай ёниш хажмли ёниш жараёнида утади. Ёниш тезлиги модда туйинганлигига, харакатига боғлик булади. Агар бундай ёниш ёпик хажмларда ёки идишларда булса, портлаш ходисаси руй беради.

## **Хулоса**

Жамиятимизда баркамол авлод тарбиясида ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий истиқлол ғоясини ўзида мужассам этган янги авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишлари берилди.

Мен ушбу битирув малакавий ишимда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш мақсадида “Иқтисодий таҳлил” фанини ўқитишининг инновацион ўқув услубиётини яратиш асосларини 2-Модуль.”Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” мавзусибўйича ёритиб бердим.

Талабаларни замонавий билимлар билан қуроллантириш учун ўқитувчи янги билимларни ўзлаштирган бўлмоғи керак. Талабаларни янгиликка интилевчан ва бунёдкор инсон сифатида эса тарбиялаш учун эса ўқитувчиларга янги дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда фанни ўқитишининг замонавий инновацион технологиялари зарур бўлади. Битирув иши Бухоро “Банк ва Иқтисодиёт” коллежи мисолида бажарилди ва коллеждаги дарс бериш ҳолатлари таҳлил қилинди.

Кириш қисмида хозирги кунда республикамиз иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси йуналишлари ишлаб чиқилганлиги , демократик ислоҳотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равshan мэрраларига эга бўлиб, ҳаётимизда туб иқтисодий ижтимоий ўзгаришлар рўй бераётганлиги, мустақиллик даврида таълим соҳасига қўйилган талаблар ва олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида фикр юритилган.

Битирув малакавий ишимнинг асосий қисмида “Иқтисодий таҳлил” фанининг мақсади ва вазифалари, “Иқтисодий таҳлил” фанини 2-Модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили”таркибидаги мавзуларининг мазмуни, мавзуларнинг ўқув мақсадлари, белгиланди. Ушбу модул 4 та мавзу , яъни “Махсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усуллари», «Корхоналарнинг меҳнат

ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари”, “Асосий фондларнинг таркиби, ҳолати ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари», “Корхоналарни моддий ресурслар билан таъминланишини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари» мавзулари асосида ўрганилди.

“Иқтисодий таҳлил” фанини 2-Модули “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили” таркибидаги мавзуларининг ўқитиш методикасини ишлаб чиқишида дастлабки шарт-шароитлар, назарий ва амалий машғулотларнинг технологик харитаси ва дарс ишланмаси, ушбу мавзуларни ўқитишида интерактив усулнинг моҳияти, мазмуни ва афзалликлари, мавзуларни ўқитишида “Ақлий ҳужум”, Гурухий ишлаш, Кластер, Муаммоли вазифалар методларини қўлланиши бўйича таклифлар бердим ва шу фаннинг мавзуси бўйича ўқувчи билими ва кўникмасини баҳолаш мезонлари ва материаллари билан ёритдим.

Хаёт фаолияти хавфсизлиги бўлимида касб –хунар коллежларида педагог ходимларнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлик масалалари ва чора – тадбирлари ёритиб берилди.

Умуман, битиruв малакавий ишимни бажариш мобайнида мен ўзимнинг мутахассислик фанларидан ва педагогик фанлардан олган билимларимни янада чукурроқ ўргандим. Ўйлайманки, битиruв малакавий ишимни бажариш мобайнида ўрганган ва мустаҳкамлаб олган билимларим менинг келажақдаги педагогик фаолиятимга, янги авлодга таълим-тарбия беришдаёрдам беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2013. -38 6.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1-чақириқ 9-сессиясида сўзлаган нутқи). «Ўзбекистон овози» газетаси 1997 йил 30 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август. Янги таҳрири 2016 йил 3 апрель

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти**

#### **Фармонлари ва Қарорлар**

4. Ўзбекистон Республикаси 1-Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2016 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маъruzasi - Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzasi 2017йил

6. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Қарори ПҚ-2909-сон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар**

#### **Маҳкамаси Қарорлари**

8. “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида” ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2005 йил 6 августда 1506-сон билан рўйхатга олинган.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарори “Махсулотлар (иш, хизмат) таннархига киритиладиган махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти**

#### **асарлари**

10. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 й.,

11. Ш.М. Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида багишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ

### **V. Дарсликлар**

12. Абдукаримов В.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Фан ва технология”, 2013

13. Ахмаджонов Х.И., Раҳимов М.Ю. Молиявий таҳлил. –Т.: “IQTISOD-Moliya”, 2012.

14. Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: “Шарқ”, 2011.

15. Жўраев Н., Абдувоҳидов Ф., Сотиволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик (лотин алифбосида). –Т.: 2012 й. 480 б.

16. Сатывалдыева Д.А. Бухгалтерский учет. Учебник. –Т.: IQTISODIYOT. 2015 г. 580 с.

17. Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика: Дарслик. / Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев. –Т.: Ўқитувчи, 2010.

18. Пардаев М.Ә., Абдукаримов И.Т. Иқтисодий таҳлил.–Т.: “Мехнат”, 2010.
19. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик.-Т.: «Фан ва технология», 2012. - 220 б.
20. Савицкая Г.В. Теория анализа хозяйственной деятельности. –М.: “Инфра-М”, 2010.
21. Шагиев Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Файзиев Б.В. Финансовый и управленический анализ. –Т.:“IQTISOD-MOLIYA”, 2013.
- 22.Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма -Т.: «Иқтисод-молия», 2009. - 220 б.
23. Jae K.Shim, Joel G. Siegel «Financial management» Copyright © 2007, 1998, 1986 by The McGraw-Hill Companies, Inc. All rights reserved. Manufactured in the United States of America.Third Edition.
24. Arthur J.Keown, John D. Martin, J.William Petty. Fondations of finance.The logic and practise of Financial Management.2014, ISBN 978-0-13-299487-3. Pearson Education, Inc.Eighth edition
25. R.A.Hill. Strategic Financial Management.2008 .ISBN 978-87-7681-425-0.

## **VI. Ўқув қўлланмалар**

26. А.Холбеков, О.Ахмедов Ф.Расулов, ва бошқалар. Ўқув жараёнига интерактив усулларни татбиқ этиш бўйича қўлланма: Услубий қўлланма /.-Т.: Академия, 2010.
27. Абдуқодиров А. Ишмуҳамедов Р. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар.-Т.:Истеъод, 2011.
28. Абдурахмонов Қ. Мехнат ресурсларини мухофаза қилиш. Тошкент-2010
- 29.Олимов Қ.Т.,Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиши методикаси. Касб-хунар коллажлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2012.
- 30.Олимов Қ.Т., Назарова Н.Н., Шукрова Б.Т. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари . Таълим муаммолари.-2012.-№1.

31. F.Ёрматов Ҳаёт фаолият хавфсизлиги. Тошкент-2010 й.

## **VII. Интернет сахифалар**

www.lex.uz

www.stat.uz

www.gov.uz

www.uznet.uz.

www.norma.uz.

www.uzinfocom.uz

www.uzonline.uz